Куч—адолатда

# АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✡ 1999 йил, 17 сентябрь, № 31 (224) ✡ Жума кунлари чиқади ✡ Сотувда эркин нархда

● Яна бир муҳим фикрни такроран айтишни лозим деб биламан. Ҳар қандай партия, агар у ўзини том маънодаги сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор аниқ ғояга эга бўлиш билан бирга нимагадир ёки кимгадир муҳолиф бўлиши зарур. Бундан қўрқмаслик керак.

Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндашиш партиянинг тарафдорлари ва унга ишонган, инонган одамлар ҳамда жамоага аниқ-равшан маълум бўлиши даркор.

Ислом КАРИМОВ.

*Мулоқот*

## САЙЛОВ – ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР НАМОЙИШИ

***Ўзбекистонда Олий Мажлис депутатлигига ва Президентликка сайловлар бўладиган кунлар тобора яқинлашмоқда. Одатда сайловни ҳар бир мамлакатда тараққиётнинг, демократиянинг намойиши, халқ маънавий ва ҳуқуқий даражасининг белгиси дейишади. Чунки давлат қанчалик ривожланган бўлса, демократик тамойиллар қанчалик барқарор бўлса, сайловлар шунчалик уюшқоқлик вазиятида, фуқароларнинг маънавий маданияти яққол намоён бўлган холда ўтади.***

***Яқинда Миллий матбуот марказининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот марказининг тақдимотига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.***

Матбуот конференциясига ташриф буюрганлар олдида сўзга чиққан Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов бу ерда ҳозир бўлганларни мамлакатимизда сайловолди компанияси бошланиб кетгани билан қутлади ва мазкур матбуот марказининг вазифалари ҳақида ахборот берди.

Матбуот марказининг эшиги маҳаллий ва хорижий журналистлар учун ҳам, фуқаролар, яъни сайловчилар учун ҳам кенг очиб қўйилади. Бу ерда замонавий компьютер техникалар ва алоқа воситалари билан жиҳозланган махсус қироатхона мавжуд бўлиб, унда сайлов компаниясига доир барча ахборотлар жамланади. Шунингдек, округ сайлов комиссияларининг фаолиятига доир ахборотлар ҳам шу ерда тўпланади. Матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси фаоллари билан журналистларнинг учрашувларини ўтказиб туриш режалаштирилган. Демак, бу ерда сайловолди ишларининг бориши ҳақида мамлакатимиз аҳолисини ва дунё ҳамжамиятини хабардор қилиб туриш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Шунинг учун ҳам Марказий сайлов комиссияси фаолларининг журналистлар ва жамоатчилик вакиллари билан бўлиб ўтган ушбу учрашуви савол-жавобларга, баҳс-мунозараларга бой бўлди. Улардан айримларини газетхонлар эътиборига ҳавол этсак фойдадан ҳоли бўлмайди.

**— Президентликка номзодлар кўрсатилганми? Агар сир бўлмаса, уларнинг кимлигини айтсангиз?**

— Йўқ, ҳали кўрсатилмаган. Олий Мажлис депутатлигига, шу жумладан, Президентликка ҳам номзодларни кўрсатиш сиёсий партияларнинг олий органлари, ҳокимият вакиллари кенгаши сессиялари ва ташаббускор гуруҳларни ташкил этган сайловчиларнинг мажлисларида сайлов тайинлангандан кейин 25 кун ўтгач бошланади ва сайловларга 45 кун қолганда тугалланади.

**— Сайлов ўтказишга ажратилган муддат қисқа эмасми?**

— Қонунларимиз бўйича сайловнинг тайинлаш куни уч ой олдин эълон қилиниши керак эди. Олий Мажлиснинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Халқ депутатлари сайловини тайинлаш ҳақидаги қарори 20 август куни эълон қилинди. Кўринадики, халқ депутатлари сайловини ўтказиш ишлари қонунда белгиланганидан 15 кун олдин бошланди. Президент сайлови кунигача эса тўрт ойдан ошиқ вақт бор.

**— Сайловларда кимлар кузатувчи бўлиб қатнашишлари мумкин?**

— Манфаатдор томонлар, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар ўз кузатувчиларини юбориши мумкин. Биз бу масалани қонунларимиз доирасида Ташқи ишлар вазирлиги билан бамаслаҳат ҳал этамиз ва кузатувчиларни тегишли тартибда рўйхатдан ўтказиб, уларга демократик тамойиллар асосида ҳамма шарт-шароитларни яратиб берамиз. Жамоат ташкилотларининг вакиллари ва журналистлар ҳам норасмий кузатувчи бўлишлари мумкин.

**— Ўзбекистонга қўшни айрим давлатларда вазият кескин бўлиб турибди. Айни пайтда диний экстремистик оқимларга мансуб баъзи кимсалар халқимиз ва ватанимизга нисбатан соатқинлик йўлини тутиб, кимларнингдир ноғорасига ўйнамоқдалар. Бу сайлов олди компаниясига таъсир қилмасмикан?**

— Хавотирга ўрин йўқ. Ҳукуматимиз мамлакатимиз дахлсизлиги ва халқимиз тинчлигини таъминлаш учун ҳамма имкониятга эга. Тегишли чора-тадбирлар кўриб қўйилган. Шу билан бирга, халқимиз кимнинг ким эканлигини яхши ажратиб олган ва юртдошларимиз энг муносиб фарзандлари учун овоз берадилар, деб ишонамиз.

Матбуот конференцияси қатнашчиларининг Марказий сайлов комиссияси амалга оширган ишлар, сайлов учун ажратилган маблағ, сайловда қатнашаётган партияларни маблағ билан таъминлашда мутаносибликни сақлашга доир ва бошқа кўпдан-кўп саволларга ҳам жавоб берилди.

Юртимиз далаларида янги пахта ҳосилини йиғиштириб олиш уюшқоқлик билан бошланиб кетди. Айниқса, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги Акмал Икромов номли ҳиссадорлик жамияти далаларида «оқ олтин» йиғим-терими кўтаринкилик билан олиб бориляпти. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки хўжалик миришкорлари омилкорлик билан иш юритиб, бир неча йилдирки пахта тайёрлаш режасини нафақат туманда, балки вилоятда биринчилардан бўлиб адо этишяпти.

**СУРАТДА:** бош ҳосилот Зомон Бажаков, жамият раиси Нуриддин Турғунов илғор бригада бошлиғи Эргаш Шодиевлар теримчилар билан суҳбатлашишмоқда.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

## ТЕРРОРЧИЛАР — ҚУРШОВДА

***Қирғизистон жанубида баланд тоғлар орасида жойлашиб олган террорчилар ҳукумат қўшинлари бўлинмалари томонидан қуршаб олинди. Каллакесарлар бу вазиятдан чиқиб кетиш қийинлигини тобора кўпроқ сезишмоқда.***

***Шунга қарамай, террорчилар ҳукумат қўшинларига қарши янги операция бошлашга куч тўплаш учун вақтдан ютишга уринмоқда, ҳукумат қўшинлари эса жангарилар отрядларининг республика ичкарисига суқилиб киришига йўл қўймаяпти. Жангарилар Боткен тумани марказидан тахминан 25-30 километр масофада кўзга ташланган.***

Бу жойда Қирғизистон ҳукумат қўшинларининг назорат пости билан жангарилар отряди ўртасида отишма бўлди. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳукумат қўшинлари орасида ҳалок бўлганлар ва жароҳатланганлар йўқ. Жангарилар талафотлари ҳақида ҳам хабарлар олинмаган.

Ҳукумат қўшинларининг назорат пости билан отишма бошлаган жангарилар гуруҳи тахминан 25 кишидан иборат. Қирғизистон Мудофаа вазирлигининг маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда жангарилар асосан Хожи Ачкан (Боткен тумани) дарасида тўпланаётгани кузатилмоқда. Узунлиги 12 километрлик бу дарада, Мудофаа вазирлигининг оператив маълумотларига қараганда, 700га яқин жангари бор.

Қирғизистон Республикаси махсус вазифаларни бажарувчи бўлинмаси томонидан шу йил 11 сентябрдан 12 сентябрга ўтар кечаси асирга олинган жангари М.Жаҳоновни сўроқ қилиш чоғида олинган маълумотларга қараганда, жангарилар гуруҳларида ўзбеклар ва тожиклардан ташқари, афғонлар ва бошқа миллатларга мансуб шахслар бор. Жангарилар орасида аҳиллик йўқ, зиддиятлар эса кўп.

Шу йил 14 сентябрда Қирғизистон инсон ҳуқуқлари бўйича Конгрессининг мувофиқлаштирувчиси Т.Акунов музокара олиб борилган жойдан Палал-Ўўз қишлоғига қайтиб келди.

Музокаралар чоғида жангарилар гуруҳларининг бошлиқларидан бири Ю.Абдураҳмонов унинг қўмондони аниқ музокара олиб бориш учун Т.Акуновнинг Афғонистон Ислом давлатига боришини талаб қилаётганини айтган. Қирғизистон ҳукумат қўшинларининг можаро зонасидаги бирлашган гуруҳлари қўмондони А.Чўтбоев Қирғизистон томонининг музокараларни давом эттириш учун гаровга олинганларни кўрсатиш тўғрисидаги талаби қондирилмаганини айтди. Террорчиларнинг гапларига қараганда, гаровга олинганларнинг ҳаммаси тирик, лекин «узоқ жойда».

13 нафар гаровга олинган кишини, жумладан 4 япон геологини озод қилиш юзасидан музокараларнинг навбатдаги давраси келгуси ҳафтада бўлиши лозим. Бироқ бу музокара қачон ва қаерда ўтиши аниқ эмас.

Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Россияда «халқаро жиноятчилар томонидан яхши таълим берилган жиноятчилар билан тўқнашаяпмиз, улар ислом дини шиорлари ниқобида ўзларининг «янги тартиб»ини ўрнатишга уринишмоқда».

Россия Федерацияси Бош вазири Владимир Путин Москвада МДҲ мамлакатлари Мудофаа вазирлари кенгашининг навбатдан ташқари мажлисида шу ҳақда гапирди. Унинг сўзларига қараганда, «улар (террорчилар) уялмай-нетмай, сурбетлик билан Шимолий Кавказдан Помиргача ўз тажовузкорлик манфаатлари зонаси деб эълон қилдилар».

В.Путин халқаро терроризм Марказий Осиё минтақаси ва Шимолий Кавказ устидан назорат ўрнатишга уринаётганини таъкидлади.

«Россия бу масалада ўз йўлини белгилаб олди — биз ислом тарафдорларига эмас, балки террорчиларга қарши курашяпмиз», — деди бош вазир. «Бу бандитларни, — деб давом этди у, — давлатларимиздан ташқарида ёллашмоқда, машқ қилдиришмоқда, ўқитишмоқда. Биз халқаро ёлланган жангариларнинг диний эътиқоди ҳам, миллати ҳам йўқ, деб очиқ айтамиз».

«Кўз олдимизда терроризм ва экстремизм байналминал тус олмоқда ва бунга қарши ҳозир фақат биргаликда курашиш мумкин», деди В.Путин.

* * *

Бишкек шаҳрига Россия Федерациясидан ҳарбий анжомлар ортилган транспорт самолёти келди. Юкнинг бир қисми шошилинч равишда Ўш вилояти Ички ашлар бошқармасига келтирилди.

Қирғизистон ҳарбий тузилмалари жангарилар тўдаларини тугатиш юзасидан кенг кўламли жанговар операция ўтказиш учун барча тайёргарлик тадбирларини ниҳоясига етказди. Қуролли кучлар тўла жанговар ҳолатга келтирилди.

(ЎзА).

САЙЁР

## ШАРАФ

Эркинлик йўллари...
у йўл бизники!
У юрган йўлларда омад қучамиз.
Башарга узатган —
у қўл бизники!
Қардошга кенг очиқ кўнгил кўчамиз!
Она юрт!
Кунларинг ойни қувлади,
Ойларинг йилларни чопар чамалаб.
Шоирлар: нажот, деб сени куйлади,
Ахир, йўлларингда обод чаманлар.
Йиллар —
асрларнинг асл фарзанди;
Асрлар уларни етаклар бош-қош.
Мен ҳам мустақиллик қаддингга банди,
Йилларинг умрига қўшмоқчиман ёш!
Қанча эъзозласак арзир, ардоқда —
Ҳар кунинг бизники,
у бизнинг умр.
Ўлкам, сиймонг унда ёниқ маёқдай...
Ким у ҳақиқатдан...
Ким у кўз юмур?!
Одам, деб яралдинг — эй, эрким асли!
Одам қайғусини аритмоқ учун.
Одамзотнинг сен-ку баҳорий фасли,
Сени баҳорларга элитмоқ бурчим!
Йигирманчи аср энг ноёб уфқи,
Энг бахтли кунисан — тарих яратган.
Сен билан айланиб турар — Ер ўқи!
Оламни соласан чиндан ҳайратга!
Юзингни артамиз — мусибат гарди
Энди куёш юзга кўнмасин, деймиз.
Арисин оламнинг тутқунлик дарди,
Халқим топган зиё сўнмасин, деймиз.
Одил тақдир энди нақтдай қўлингда,
Тарих қаъри узра қолсин ноламиз!?
Жон тикиб мангулик порлоқ йўлингда
Эрта буюкликка излар соламиз.
Энди адашмайлик,
энди рост устун, —
Ҳалоллик халқимнинг ўз номи бўлсин.
Энди таниб олсин дўст асл дўстин,
Халқ эрки —
ҳамманинг иймони бўлсин!
Эй, азиз Ватаним!
Эй, кутлуғ қадам...
Асрларга пойдор янгидан яшар.
Ҳақлигингга комил бу нотинч олам,
Ҳақни ҳақ айласин бу одил башар!
Адолат номингга ярашиқ сифат,
Кўзгу эсанг агар синмас бардошга.
Ўз эркин қўлига олган мамлакат
Улуғликда етсин кўкда Куёшга!
Мен кекса шоиринг — бўй-бастинг кўриб,
Қалбимни тебратсин нурафшон сиймонг.
Обод гўшаларда дилобод юриб,
Бахтинг чинлилига келтирай иймон!

## ЭКОЛОГИЯ ВА БОЛАЛАР

Маълумки, экологик мувозанат бузилишидан биринчи галда болалар кўпроқ азият чекади. Оролбўйида юзага келган нохуш табиат кўринишларида ҳам бу ҳол ўз аксини топмоқда. Бу эса мазкур минтақада экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича бажарилаётган ишларни жаҳон ҳамжамияти доирасида кенг ҳамкорликда олиб боришни тақозо этади.

Нукусда атроф муҳитни сақлаш, саломатлик «Перзент» («Фарзанд») маркази ва Буюк Британиянинг «Болаларни асранг» халқаро жамғармаси ташаббуси билан тўрт кун давом этган анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ҳомийлигида ўтказилган мазкур тадбирда Марказий Осиё, АҚШ, Голландия, Швеция мамлакатларидан келган болалар вакиллари, таниқли экологлар, жамоат арбоблари иштирок этди.

Анжуман иштирокчилари Мўйноқда бўлиб, Оролбўйида вужудга келган нохуш экологик вазиятни нормаллаштириш ишлари асосан мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин изчил олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлдилар. Ҳозирги вақтда Туямўйин сунъий дарё-сув чиқариш иншооти орқали тоза ичимлик сув келтириш чоралари кўрилмоқда. Мўйноқда кейинги вақтнинг ўзида ўнлаб тиббий, маиший, савдо ва маданий хизмат кўрсатиш корхоналари, болалар муассасалари ишга туширилди.

А. ИСКАНДАРОВ, ЎзА мухбири.

● *Президент кубоги*

## КАФЕЛЬНИКОВНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Теннис бўйича Ўзбекистон Президенти кубоги учун халқаро турнирда яккама-якка беллашувда Евгений Кафельниковнинг мағлубияти кутилмаган воқеа бўлди. Чехиялик Даниэль Вачек билан қизғин ўтган учрашувда Евгений тўрт ўйинни рақибига бой берди.

Мусобақанинг иккинчи даврасида тайландлик Шичапан Парадорн, германиялик Николас Кифер ва Претч Аксел, АҚШлик Мамит Сесил, нидерландиялик Питер Веселс, швецариялик Жорж Басел, франциялик Энтони Дюпуи ғалаба қозонди.

Жуфтликлар мусобақасида Олег Огородов швейцариялик Марк Россе билан биргаликда курашни давом эттиради. Улар Жанубий Африка Республикаси спортчиси Коинг Роби ва россиялик Андрей Ольховский билан учрашадилар.

**Мустақилликнинг ўтган саккиз йили мобайнида Ўзбекистон дунёга танилди. Юртимизнинг жаҳондаги ривожланган давлатлар билан алоқалари тобора ривожланиб боряпти. Хусусан Америка Қўшма Штатлари билан ўзаро алоқалар фикримизга ёрқин далил бўла олади.**

**Сўнгги йилларда Американинг жаҳонга машҳур бўлган самолётларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Боинг» корпорацияси билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг алоқалари анча кенгайди. 1996 йилдан бошлаб «Боинг-757» ва «Боинг-767» самолётлари мамлакатимизда авиалиниялари бўйлаб қатнашмоқда.**

**Яқинда, Миллий авиакомпаниямиз буюртмаси бўйича тайёрланган «Боинг-200» самолёти Тошкент аэропортига келиб қўнди.**

**СУРАТЛАРДА: Тошкент аэропортига келиб қўнган «Боинг-757-200» самолёти. 2. Ўзбекистон учун тайёрланаётган ҳаво кемалари.**

◆ Аввал хабар берилганидек, душанба куни Москва шаҳрининг Кашира шоссесидаги саккиз қаватли гиштин уйнинг портлатилиши оқибатида 118 киши, шулардан 13 бола қурбон бўлди. Портлаш рўй берган жойда қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Москвадаги иккита турар жойларда рўй берган портлашда гумон қилинаётган икки киши ҳибсга олинди. Терроризмга қарши кураш бўйича тезкор штаб ташкил этилди. Россия Президенти Борис Ельцин телевидение орқали мурожаат қилиб, терроризмга қарши курашда барча чоралар кўрилиши юзасидан россиялик-ларни ишонтирди ва аҳолини ваҳималарга тушмасликка ва ҳушёрлик кўрсатишга даъват этди.

◆ **Москвада МДҲнинг Ўрта Осиё мамлакатлари мудофаа вазирлари кенгашининг терроризмга қарши курашда ўзаро ҳамкорлик қилиш масалаларига ва Қирғизистоннинг жанубидаги вазиятни муҳокама этишга қаратилган мажлиси бўлиб ўтиши керак.**

◆ Расмий манбалардан олинган маълумотларга қараганда федерал қўшинлар Доғистоннинг Новолах тумани марказини эгаллаганлар, Карамахи ва Чабанманхи қишлоқлари чечен жангариларидан тўлалигича тозаланди.

◆ **Россияда ички қўшинлар иштирокида террорчиларга қарши қаратилган махсус тадбир бошланади.**

◆ Истанбул марказидаги ҳукумат биноларидан бирида кучли портлаш юз берди. Бунинг натижасида камида 17 киши жароҳатланди. Айрим кишилар жиддий шикастланганлиги маълум бўлди. Полиция портлаш юз берган туманни ўраб олди. Ҳозирча портлаш сабаблари номаълум.

◆ **В. Семёнов Қорачой-Черкас президентлиги лавозимини бажаришга киришди. Республикада рўй берган вазият туфайли ушбу тадбир камтарона, меҳмонлар иштирокисиз ўтказилди.**

◆ Афинада Рихтер ўлчови бўйича 4 ва 2 балли ер қимирлашлари содир бўлди. Қурбонлар ва вайронагарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ. Сейсмологларнинг тахмин қилишларича яна ер силкинишлари мумкин.

◆ **Ўтган куни Туркиянинг шимоли-ғарбида яна Рихтер ўлчови бўйича 6 баллга қадар куч билан ер силкиниши содир бўлди. 10 кишининг ҳалок бўлганлиги ва 200 дан ортиқ одамнинг жароҳатланганлиги тўғрисидаги маълумотлар бор.**

◆ Европа парламентида Еврокомиссиянинг янги аъзолари номзодларига овоз бериш ўтказилади. Маълумки, бу комиссияга Италиянинг собиқ Бош вазири Р. Проди бошчилик қилмоқда.

◆ **Руминияда «Қутқарувчи-99» шиори остида Руминия-Американинг биргаликдаги машқлари бўлиб ўтмоқда. Унда фалокатлар юз берган шароитда қандай ҳаракатлар қилиш ўрганилмоқда.**

◆ Ироқнинг жанубий ҳудудларига сафар қилган АҚШ конгрессменлари делегацияси вакили Филис Бенис дунё мамлакатларини Ироққа нисбатан қилинаётган иқтисодий жазо чораларини бекор қилишга чақирди.

◆ **Американинг ойдаги «Келементина» деб номланган зонди ойнинг бизга кўринмас томонида жуда катта чуқурлик борлигини аниқлади. Бундай улкан чуқурлик Куёш тизимидаги барча сайёраларнинг биронтасида ҳам йўқ.**

Қасамёд

# ЎЗ ЮРТИМГА БОРДИР МЕНИНГ КЕРАГИМ

***Дунёда касблар кўп. Инсонни эл-юртга танитгучи шарафли, масъулиятли ишлар кўп. Бироқ кўз очиб кўрган, таниган, сарҳадларида эркин ўсиб-улғайган Ватаннинг ҳимоячиси бўлиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш энг улуғ бахт.***

Самарқанддаги автомобиль муҳандис-қўмондонлари тайёрлаш олий ҳарбий билим юртида Ватанга содиқ ана шундай мард ўғлонлар таҳсил кўришмоқда. Бу ерда етук ҳарбий мутахассислар тайёрлаш борасидаги бой тажриба ҳавас қилса арзигулик. Шу боис ҳар йили кўплаб навқирон ўғлонлар таълим-тарбия олиш учун шу ерга келишади.

Яқинда билим юртида 1-курс курсантларининг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Шу муносабат билан узоқ-яқиндан ташриф буюрган меҳмонлар, ота-оналар ўз фарзандларини шарафли касб остонасига қадам қўяётганликлари билан чин дилдан муборакбод этдилар.

— Бу йил билим юртида яна бир мутахассислик — артиллериячилар бўлими фаолият кўрсатаётганлиги бизга алоҳида масъулият юклайди, — дейди билим юрти бошлиғи, полковник О. Абдусаматов. — Ёшларни Ватаннинг чинакам жасур ҳимоячилари қилиб тарбиялашда бундан буён ҳам бир куч-маҳоратимизни ишга солаверамиз.

Тантанага ташриф буюрган уруш ва меҳнат фахрийлари ёшларга аждодлар анъанасини садоқат билан давом эттиришни тиладилар.

Оркестр садолари янграб, бўлажак зобитлар майдондан шаҳдам қадамлар ташлаб ўтдилар. Шундан сўнг билим юрти раҳбарларининг ота-оналари билан учрашуви, ўқув масканидаги шарт-шароитлар билан танишув бўлиб ўтди. Республикада ягона ҳисобланган бу ўқув даргоҳидаги имкониятлар, тартиб-интизом барчада чуқур таассурот қолдирди.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**«Адолат»нинг ўз мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: бўлажак зобитларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш тантаналаридан лавҳалар акс эттирилган.**

Муҳаммад Шариф Сўфизода номли Чуст педагогика билим юртини чиндан ҳам ёшларнинг маърифат ва маънавият ўғоғи деса бўлади. Шунинг учун ҳам нафақат чустликларнинг ўзлари, балки қўшни вилоятлардаги кўплаб ота-оналар ҳам фарзандларининг бу билим масканига кириб ўқишини орзу қиладилар.

1967 йилда ташкил этилган мазкур илмгоҳ бошланғич синф, меҳнат ўқитувчилари, бадиий амалий безаш санъати раҳбарлиги, мактаб ташкилотчилари, куни узайтирилган гуруҳ тарбиячилари, шунингдек, бошланғич синфлар учун инглиз тили ўқитувчилари тайёрлайди.

Айни пайтда билим юрти 1000 дан ортиқ ўқувчига мўлжалланган учта ўқув биносига эга бўлиб, ўларда 34 та фан хонаси, 6 та лаборатория ва 8 та ўқув устахонаси ташкил этилган. Фан ва лаборатория хоналарида ўқув-

## МАЪРИФАТ ЎЧОҒИ

чилар учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Соғломлаштириш марказида эса олий тоифали шифокорлар М. Азизов А. Атавиллаев ва ўрта тиббиёт ходимлари хизмат қиладилар. Билим юртида ўқувчиларга бир фан номзоди, ўнга яқин аспирантлар ва биринчи тоифали ўқитувчилар билим берадилар. Илмий ва ижодий ишлар қилиши учун етарли шарт-шароитлар бўлгани сабабли физика математика фанлари номзоди, доцент М. Маматов, олий тоифали инглиз тили ўқитувчиси О. Рустамов, педагогика ўқитувчиси С. Ҳасановалар ўз соҳалари бўйича қўлланма нашр эттирдилар. Физика ўқитувчиси Ю. Дадабоев эса чигит экиш сеялкаси яратди. От изини той босади деганларидек, кўплаб иқтидорли ёшлар устозларига эргашиб ижодий-илмий ишлар устида изланмоқдалар.

Билим юртида ёшларга пухта билим бериш билан бир қаторда улар онгида тўлақонли маънавиятни шакллантиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Бу борада айниқса ёшлар билан ўтказилаётган жонли мулоқот ва учрашувлар, мушоира ва мусобақаларнинг роли катта бўлмоқда. Амалдаги йилда ўтказилган тадбирлар орасида айниқса вилоят олимлари билан бўлган, шунингдек Ўзбекистон халқ артистлари Ҳусан Шарипов, Бахтиёр Ихтиёров ҳамда Лутфулла Саъдуллаев ва Гулчеҳра Саъдуллаевалар билан бўлган учрашувлар мароқли бўлди. Уларда ёшлар она-Ватан ва халқимиз билан ғурурланиш, муносиб фарзанд бўлиш, бурч ва ҳуқуқларини юксак қадрлаш масалаларига оид дунёқарашларини анча бойитишга эришдилар.

Шунингдек, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги, Сўфизода, Чўлпон ва Ҳамид Олимжон каби шоирлар ижодига бағишлаб ўтказилган мушоиралар ҳам жонли ва қизиқларли ўтди. Уларда вилоят қалам аҳли вакилларининг ҳам иштирок этганлиги нур устига аъло нур бўлди.

Билим юртида ёшларнинг спорт ўйинлари билан шуғулланишларига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Талаба Севара Қодированинг теннис бўйича Республикамиз чемпиони бўлгани, мамлакатимиз терма жамоаси сафида Японияда ўтказилган мусобақаларда қатнашиб совринли ўринги олиб қайтганининг ўзи фикримизнинг исботидир. Ҳа, «XXI асрга етук авлод билан борамиз» деган шиор асосида ишлаётган Чуст педагогика билим юрти жамоаси келажагимиз бўлган ёшлар тарбиясига шу кун талаблари даражасида ёндошиб, уларга пухта билим бериш, маънавияти юксак даражада бўлган қатъиятли, ўз кучига, келажагига, салоҳиятига ишонган комил инсонлар қилиб тарбиялаш ишига виждонан ёндошмоқда.

**М. УЛУҒОВ.**

Муштарий илҳоми

## БУЮК ХАЛҚИМГА РАҲМАТ

Дўстликка нур таратган,
Миллатни тенг қаратган,
Мусаффолик яратган
Тинчлигимга минг раҳмат.

Юрак қувончга тўлган,
Кўркам бинолар қурган,
Қийин кунда асқотган
Ватанимга минг раҳмат

Доно фикр юритган,
Нобакорни қуритган,
Ҳар ишни аъло тутган
Буюк халқимга раҳмат.

Мақбул қонун яратган,
Бор дунёни қаратган,
Дўстлик илдизин отган
Олий Мажлисга раҳмат.

Ишни пухта бажарган,
Истиқлолдан яралган,
Инвестициялар олган
Маҳкамага минг раҳмат.

Шу буюк ишларга бош,
Юрагидан жуда ёш,
Темур бобомга ёндош
Йўлбошчига минг раҳмат.

## УМР ЎТАР

Кечагина туғилган ўғлон,
Бугун куёв бўлиб қолибти,
Кўзни очиб юмгунча, қаранг,
Невараси чопиб юрибти.
Бир югуриб ортга қараса,
Саксон бешни уриб қўйибти.
Ният холис, юз ёш нишонда,
Бу ҳақиқат, шу қутлуғ онда
Бу неъматга шерик бўлингиз,
Илло, Сиз ҳам юзга
кирингиз.

## ЭЛГА КЕРАКСЕН

Одамлар дардига малҳам бўлолсанг,
Ҳар қандай ҳолатда бардам туролсанг,
Қаддингни сен агар ростлаб юролсанг,
Билгинки, доимо элга кераксен.

Бировнинг бахтига зомин бўлмасанг,
Бировнинг тахтига кўзинг тикмасанг,
Бировнинг нонини узиб емасанг,
Билгинки, шунда сен элга кераксен.

Билгинки юртни тинч ушлаш осонмас,
Билгинки, қон тўксанг эл тинч яшолмас.
Билгинки, Қуръон ҳам урар, сен агар,
Юртингни, элингни сотсанг бир сафар.

Эй юртим, омон бўл, буюк бўл доим
Иймонинг асрасанг қўллар худойим.

## ЎЗИНГДАН-ЎЗИНГ ЎКСИМА

Ўзингнинг қадрингни ўзинг билмасанг,
Волиданг сўзини писанд қилмасанг.
Агар сен буюк йўлни кўрмасанг,
Ўксинма, эл аро обрў олмасанг.

Мустақиллигингни асрай олмасанг,
Босқинчига қаро кунни солмасанг.
Ўз юртинг қадрига ета билмасанг,
Ўксима, эл аро обрў олмасанг.

Фарзандга тарбия бера олмасанг,
Аждодинг руҳини шод этолмасанг.
Душмандан дўстингни ажратолмасанг,
Ўксима, эл аро обрў олмасанг.

Халқингни чин дилдан сева олмасанг,
Тақдиринг унга сен бера олмасанг,
Узоқни сен агар кўра олмасанг,
Ўксима, эл аро обрў олмасанг.

Бошингни мардона тута билмасанг,
Агар ўз сўзингда тура билмасанг,
Ҳақ олдида бўйнинг эга олмасанг,
Ўксима, эл аро обрў олмасанг.

Номардлик йўлига агар кирмасанг,
Ҳеч кимга ёмонлик раво кўрмасанг.
Мард ва шер кишини пулга сотмасанг,
Ишонмам сен агар обрў топмасанг.

**Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ**

## «БИЗ — ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ»

Навоий шаҳридаги «Суғдиёна» — стадионида вилоят ёшларининг «Биз — Президент фарзандларимиз» мавзуидаги форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон республикаси ёшларининг «Камолот» жамғамаси Навоий вилоят бўлими ташаббуси билан ўтказилган бу анжуманда корхона ва ташкилотлар талабалари, шаҳар ва туманлардан келган ёш ижодкор санъаткорлар иштирок этди.

Форумда сўзга чиққан ёшлар озод ва обод ватан равнақи, тинчлиги ва осойишталиги йўлида садоқат билан хизмат қилажакларини таъкидладилар.

**Ёркул УМАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Когон шаҳрида уч қаватли марказий поликлиника фойдаланишга топширилди. Янги шифо маскани қурилиши учун 140 миллион сўм маблағ сарфланди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жихозланган янги поликлиникада кунига қаийб 250 бемор қабул қилинади. Бу ерда эллик ўринли қундузги стационар ҳам мавжуд.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

Газетхон нажот кутади

# Менинг айбим не?..

Ёшлигимдан ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилган эдим. Астойдил қилган саъй-ҳаракатим натижасида 1979 йилда Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетининг муваффақиятли тамомладим. Ўша йили туман ички ишлар бўлимида жиноят қидирув бўлими инспектори бўлиб иш бошладим. Менга юклатилган вазифани сидқидилдан адо этаётганлигимни инобатга олиб, 1984 йилда терговчилик вазифасига тайинлашди. Иш фаолиятим давомида бирор марта ҳам шаънимга доғ тушмаганман. Лекин 1989 йил 12 декабрь кунги воқеа менга нисбатан қилинган адолатсизлик бўлди. Ўша куни Найманчи — Қирқлар йўлида автойўл ҳодисаси содир этилди. Шундан кейин гумондор Констанди Харлампи устидан жиноят иши қўзғатдим. Бу ҳақда Ички ишлар бўлими бошлиғи, туман прокурорини огоҳлантириб, иш материаллари билан уларни таништирдим. Тергов даврида гумондорнинг илгари ҳам судланганлигини аниқладим.

Ўша пайтда Ички ишлар бўлимида ҳисобга олиб борувчи ходим бўлмаганлиги боис тегишли ҳужжатни тўлдириб Ички ишлар бўлими бошлиғи, туман прокурорига имзо қўйдириб, вилоят Ички ишлар бошқармаси ахборот марказига жўнатдим. Орадан етти ойлар чамаси вақт ўтгач, вилоят ички ишлар бошқармасидагилар «Сен томонингдан жиноят иши қўзғатилганлиги бўйича тўлдирилган тегишли ҳужжат нотўғри гумондорнинг исмини фамилия, фамилиясини исми ўрнида ёзгансан», деб айблашди. Ҳужжат нотўғри тўлдирилган бўлса, кўрсатинглар» деган талабимни инобатга олишмади. Орадан кўп ўтмай, аниқроғи 1990 йилнинг август ойида (мен ўша пайтда касалхонада даволанаётган эдим) вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Неврозов имзоси билан ишдан бўшаганлигим ҳақида буйруқ чиққанлигини эшитдим.

Шундан кейин вилоят ички ишлар бўлимига бир неча маротаба мурожаат қилиб, айбимни бўнимга қўйиб беришларини талаб қилдим. Лекин таассуфки, ҳеч натижа бўлмади. Айни кунларда Х. Худойбердиев номли жамоа хўжалигида ҳуқуқшунос бўлиб ишлаяпман. Лекин мени изтиробга солаётган нарса, шу пайтгача нима учун ишдан четлатилганлигимни билмайман.

Ҳурматли «Адолат» газетаси ходимлари! Зора сизлар аралашгач ҳақ жойига қарор топса...

**Турғунбой УСМОНОВ,**
**Фарғона вилояти Данғара тумани Шўр қишлоғи.**

Шукрона

# ҲАЁТИМИЗ ДОИМО ФАЙЗЛИ БЎЛСИН

Менинг ўзим кўп йиллардан буён йўловчилар ташиш транспорти соҳасида, пойтахтдаги 5-автокорхонада ишлаб келаман. Бу соҳа собиқ Иттифоқ даврида талай соҳалар қатори давлатга боқиманда эди. Бундан ташқари, ишни ташкил қилиш тизими қолоқ бўлиб, ҳар қадамда арзимас бир муаммога дуч келардик. Замонавий, йўл талабларига тўлиқ жавоб берадиган автобус, троллейбус ва трамвайларга эга бўлишни тасаввур қила олмасдик, ҳатто.

Бозор иқтисодиётига асосланган мустақил давлат бўлганимиздан кейин автокорхоналар акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Улар тўла қувват билан ишлаб, иш унуми кун сайин ортиб бормоқда. Ҳар томонлама қулай, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари кўчаларида юрувчи шинам автобус, троллейбус ва трамвайларга эга бўлдик. Энг асосийси, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини кўтаришга эришдик.

Булар шу кунгача амалга оширилган ишлар, холос. Келгусида йўловчилар ташиш хизматида янги имкониятлар яратиш учун, йўловчиларга беминнат хизмат кўрсатишни такомиллаштириш учун камарбастамиз.

Баъзи мамлакатлардаги иқтисодий-сиёсий беқарорликларни ойнаи жаҳон орқали кузатиб борар эканмиз, биздаги тинчлик учун: тараққиёт учун шукур қиламан. Зеро, у мамлакатимизда оқилона олиб борилаётган сиёсат туфайли бўлаётганлигини ҳис қиламан.

**Зокир ФАЙЗИБОЕВ,**
**5-автокорхона директорининг ўринбосари.**

# «ОЛИЙ ЖАЗО БЕРИЛСИН!»

***1998 йил 17 сентябрь тунги соат бир яримда Гулистон шаҳрида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қотиллик рўй берди. Буни эшитган кишилар қотилларни ким деб аташни ҳам билмай қолдилар. Улар «раҳмсиз» деган гапни кўп эшитишган. Бешафқат, газанда, тубанлик сингари ибораларни ҳам кўп ишлатишган. Аммо бунисига таъриф йўқ. Йиртқич, деса ҳам Алижон Мўйдинов билан Ахрор Камолов учун камлик қилади.***

***Аслида улар қилган ишни одам боласи сира қилмаган. Ҳаётда бировни ўлдириб, кейин мурдани ёқиб юбориш ҳоллари бўлган. Бундай оғир жиноятни эшитган кишининг бадани жунжикади. Бу даҳшат. Аммо одамни тириклай ёндирса-ю у аланга ичида қолиб, нажот сўраб фарёд қилса, бунга ким чидайди?!***

Ҳўш, нима алами бор эди уларнинг марҳумда?

Бу саволга жавоб бериш учун гапни сал нарироқдан бошлашга тўғри келади. Шавкат Қурбонов Москвага қатнайдиган поездда кузатувчи ёрдамчиси бўлиб ишлаб, олди-сотди билан ҳам шуғулланиб юрди. Штат қисқартириш туфайли у ишдан бўшаб, бутунлай тижорат ишига ўтди. Шу иш туфайли танишлар орттирди. Улар орасида Мўйдинов билан Камолов ҳам бор эди.

1998 йил август ойида Мўйдинов ва Камолов Чиноз шаҳрида яшовчи бир кишидан 2310 дона трикони 653 минг сўмга сотиб олишади. 20 августда улар Москвага боришиб, бу буюмларни 27 минг Россия пулига сотишади. Яна Тошкентга келишади.

30 августда Алижон Мўйдинов Тошкентнинг шимолий вокзалида Шавкат Қурбоновга дуч келади. Шунда Шавкат: «мен сени излаб юрибман, пулинг борми?» деб сўрайди. «Бору беролмайман», — дейди Мўйдинов, — Москвага кетаяпман. Хрустал идишлар олиб келиб, Тошкентда сотмоқчиман».

— Шу пулингга биллур идишлар эмас, МТЗ-80 тракторлари учун эҳтиёт қисмлар олиб келиб сотайлик, — дейди Шавкат Қурбонов. Бу гап Мўйдиновга маъқул бўлади. Улар биргаликда Москвага боришиб, эҳтиёт қисмлар сотиб оладилар. Тошкентда бу буюмлар чаққон сотилмайди. Гулистонга келадилар. Бу ерда ҳам уларни пуллаш қийинроқ бўлади. Ана шу зайлда Мўйдинов сарфлаган пулидан зарар кўради.

Тижорат иши таваккалчиликдан иборат. Бу ишда фақат фойда кўраман деган одам янглишади. Бир сафар фойда кўрасан, бошқа сафар зарар бўлади ёки даромадинг ҳаражатини қоплайди холос. Аммо Мўйдинов бир сафар кўрган зарарига чидамади. У «сен туфайли зарар кўрдим» деб Шавкатдан пул талаб қилади.

Шавкат Алижоннинг пўписаларига дош беролмай Гулистонга келиб, пул излайди. Бироқ яқин кишиларидан Алижон талаб қилган 140 минг сўм тополмайди. Орадан 2—3 кун ўтиб қолади. Мўйдинов пулни ундириш мақсадида Гулистонга келади.

— Пулинг бўлмаса, отангга тегишли «Москвич» машинасини берасан, — дейди у Шавкатга. Ш. Қурбонов бу талабни бажаролмайди. Шундан кейин Мўйдинов Тошкентга бориб, шериги Камолов билан бирга яна Гулистонга келади. 17 сентябрь соат тунги бир ярим эди ўшанда. Иккаласи ҳам Тошкентда вақтинчалик ҳамтовоқ йўлда режа тузишганди. «Агар пулни беролмаса, ўлдириб кетамиз». — Бу уларнинг қарори эди.

Аслида кўрилган зарарда Шавкатнинг бир ўзи айбдор эмас. Агар шу зарарнинг ўрнини тўлдириш зарур бўлса, уни уч киши ўртада тўлаши зарур. Аммо Мўйдинов зўравонлик йўли билан Шавкат Қурбоновнинг бир ўзидан ундирмоқчи бўлди.

Шу ўринда икки зўравоннинг кимлигини таништириш лозим бўлиб қолди. Алижон Мўйдинов 1975 йилда Андижон вилоятининг Шаҳрихон шаҳрида туғилган. Шу шаҳардаги Бобур кўчаси 38-уйда яшаган. Ахрор Камолов ҳам 1972 йилда шу шаҳарда туғилган. У Бобур кўчасидаги 59-уйда яшаган. Демак, улар бир маҳалла одамлари. Иккаласи ҳам Тошкентда вақтинча яшаб туриб, олди-сотди ишлари билан шуғулланишган.

Одатда, Андижон йигитлари мард танти бўлишади. Афсуски, Алижон билан Ахрорда бунақа сифатлар йўқ экан. Улар фақат номард бўлиб қолмай, одамни чўмоли ўрнида ҳам кўрмайдиган газанда, қотил кимсалар бўлиб чиқди.

Ўша машъум тунда улар бир ярим литрлик идишда бензин ҳам тайёрлаб қўйишган. Шавкатдан «пулни топдингми?» деб сўрашганда, у «йўқ» деган жавобни беради. Шунда Камолов машинадаги бензинни олиб Шавкатнинг устига қуяди. Мўйдинов зажигалкада ўт қўяди. Шавкат буни пайқамай ҳам қолади. Эҳтимол, устига сувми, ичимликми, сепишди, деб ўйлагандир. Фақат»лов» этган олов бутун вужудини ўраб олгандагина у жон талвасасида дуч келган томонга югуриб, ёрдам сўраб, фарёд қилади. Буни кўрган Мўйдинов билан Камолов ўзлари миниб келган «Жигули»га ўтиришиб, қочиб қолишади.

Ярим тунда одамлар ширин уйқуда бўлсалар ҳам додфарёддан уйғонишади. Бир неча киши деразадан биров ёнаётганини, у ёрдам сўраб югураётганини кўришади. Ёнгин ўчирилади. Аммо вақт ўтган эди. Шавкатнинг бадани юз фоиз куйганди.

Уни вилоят шифохонасига олиб боришди. Юраги бакуват экан, ўлим билан етти кеча-кундуз олишди. Афсуски, юз фоиз куйган кишининг ҳаётини сақлаб қолиб бўлмайди. У 24 сентябрь куни вафот этди.

19 сентябрдаёқ Мўйдинов билан Камолов қамоққа олинган эди. Улар судда марҳумнинг ота-онаси билан дуч келдилар. 60 га бориб қолган ота бу оғир мусибатга дош беролмай эзилиб йиғларди. Она шўрлик эса қон қақшаб йиғлайвериб, кўзларидагина эмас, вужудида ҳам зарра нам қолмади. Ҳеч кимнинг бошига тушмасин бундай мусибат.

Биз қотилларни кўрганмиз, суд қилинаётганида уларни кузатганмиз. Газанда қотил ҳам марҳумнинг онаси йиғлаганда бефарқ қололмайди. Ҳатто кўз ёш тўкадилар. Ахир уларни ҳам она туққан, ҳайвон эмас. Аммо қотиллар афсус чекиш ўрнига ўзларини беайб кўрсатишга уринишиб, безрайишиб туриб олдилар. Гуё Шавкат Қурбонов уйига кириб, пулни тўламаслик мақсадида устига бензин қуйиб чиққан эмиш ва ўзига-ўзи ўт ёқиб юборганмиш.

Ҳўп, шундай бўлди, деб фараз қилайлик. Агар Шавкат «ҳозир ўзимга ўт қўяман» деса нега бу икки нусха уни тўхтатиб қолмади? Ёки нега улар ёнаётган одамни ташлаб шошилинч тарзда машинага миниб қочиб қолишди? Буни деразадан бир неча одам кўрган-ку. Касалхонада оғир аҳволда ётган Ш. Қурбонов ўлими олдидан ҳамма гапни айтиб берган.

Қилган оғир жиноятларини тан олмаслик Мўйдинов ва Камоловларнинг асл башарасини, уларнинг тубанлигини яна бир марта ошкор қилди. Уларга одам эмас, пул азиз. Миллиард сўм эмас, миллион сўм ҳам эмас, бор-йўғи 140 минг сўм пул. Шу пулни деб улар марҳумнинг ота-онасини қон қақшатиб кетдилар. Ниҳоят, шу арзимас пулни деб бири суд ҳукми билан 18 йилга, иккинчиси 16 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Лекин бу жазо марҳумнинг ота-онасига тасалли бермади. Ахир уларнинг жигарбандлари энди бу ёруғ дунёга қайтиб келмайди. Қотиллар эса яшайдилар. Буни ўйлаш, буни ҳис қилиб, ёнаётган фарзандини кўз олдига келтириш қанчалик даҳшат, қанчалик аламли! Шу сабабли Султон Қурбонов Олий судга мурожаат қилиб, вилоят суди ҳукмини қайта кўриб чиқишни талаб этди. Ниҳоят, отанинг талаби қондирилди. Сирдарё вилоят суди мазкур ишни Омон Эгамбердиев раислигида янгитдан кўриб чиқди. Бир маҳал залда юракларни ўртовчи чинқириқ эшитилди. Бу марҳумнинг опаси Дилором Қурбонованинг фарёди эди. Унинг дилидан мана шу хитоб отилиб чиқди:

— Сенларга пул керак бўлса, мен еб турган нонимни, тақинчоғимни, етмаса уйимни сотиб, ўзим кўчада ўтирардим-ку! 140 минг сўм бир йигитдан қимматли бўлдими сенларга! Худога нола қилиб сенларни қарғайман. Илоё укагинамнинг арвоҳи урсин иккованги ҳам!

... Ҳукм ўқилди. Мўйдиновга олий жазо берилди. Камолов эса йигирма йиллик жазонинг дастлабки беш йилини ашаддий жиноятчилар ёлғиз ўтирадиган камерада ўтказади. Бу оғир жазони у ўз қилмиши эвазига сотиб олди.Ёмонга эргашиб, шу балога йўлиқди у.

**Саминжон СУЛТОНОВ,**
**«Адолат» мухбири.**

# КИМНИНГ НОҒОРАСИГА ЎЙНАЯПСИЗ?

## ёки билиб-билмай туриб, диний экстремистик кучларга хизмат қилаётган айрим ёшлар хусусида

***Маълумки, Ўзбекистонимизнинг маърифий, демократик давлат қуриш йўлидаги ютуқларидан жаҳоннинг барча соф ниятли аҳли хурсанд бўлмоқда. Аммо, минг афсуски, бу соҳадаги ютуқларимизни кўролмайдиган, унга жон-жаҳди билан қарши туриб, бу ерда жангу, жадалу кескинлик ўчоғини вужудга келтиришга уринаётган кучлар ҳам бор. Улар гоҳ четдан туриб хуруж қиладилар, гоҳ чегараларимиз ортида жазавага тушадилар. Уларнинг нияти битта: у ҳам бўлса Ўзбекистондаги тинч ва осойишта ҳаётга раҳна солиш, халқимизни танлаган йўлдан қайтариш. Аслида ғаламислар бу иш қўлларидан келмаслигини яхши биладилар. Аммо улар учун бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими, улар учун юртимизда кескинлигу низолар юзага келса, зиддиятлар авж олса бас.***

Ана шундай ношудлардан бири диний экстремизмни қурол қилиб олган террорчи Жума Намангоний ва Тоҳир Йўлдошларнинг шайкаларидир. Улар бугунги кунда Қирғизистоннинг Боткент туманида жойлашиб, ўз миллатдошларига қарши қўл кўтармоқдалар. Аммо уларнинг шум ниятда бевақт кўтарилган қўллари калта. Айни пайтда Ўш шаҳрида Қирғизистон, Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистон ҳарбий мутахассисларидан иборат бирлашган штаб террорчи диний экстремистларни тамомила тор-мор этиш режаларини ишлаб чиқмоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, Боткентдаги террорчиларнинг ортида кимлар турибди? Ким уларни маблағ билан таъминлаб, гиж-гижлаяпти? Японияннинг «Майнити» газетасининг ёзишича, Доғистон ва Қирғизистондаги террорчиларга асли саудиялик, айни пайтда Афғонистонда истиқомат қилаётган миллиардер Усама бин Лодин «садақа» бермоқда. Бошқа бир манбаада эса АҚШ томонидан 1-даражали террорчи деб эълон қилинган бу «бойвачча» ўзининг «Шайх Абдувалид» ва «Шайх Абдулҳусайн» лақаблари билан танилган махсус вакили Абу Жундални амалий ёрдам кўрсатиш учун жанговар ҳаракатлар бўлаётган минтақага жўнатган. Бундан ташқари террорчиларнинг Ўш вилоятидаги ҳаракатларини бин Лодиннинг ҳамтовоқларидан бўлмиш Иорданиянинг собиқ фуқароси Абу Сухайб Ал-Ансорий мувофиқлаштириб турганлиги ҳам маълум қилинади.

Террорчиларнинг ортида бошқа шум ниятли кучлар ҳам бўлиши мумкин. Аммо улар ким бўлишидан қатъий назар разил мақсадларига етолмайдилар. Бу аниқ!

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, диний экстремистик террорчи кучлар мамлакатимизнинг ичкарисидан туриб ҳам қўпорувчилик ишларини олиб боришга бутун тиш-тирноқлари билан уринмоқдалар. Мудҳиш 16 февраль воқеалари ана шу уринишлрнинг ҳунук ва ғоят шармандали кўриниши бўлди. Бу воқеа уларнинг жирканч башараларини бутун оламга яққол кўрсатиб қўя қолди. Бироқ бу шармандалигу маглубиятдан ҳам диний экстремистик кучлар хулоса чиқариб олмадилар, тақдирга тан бериб, бироз бўлса-да тийилмадилар. Аксинча мамлакатимизда вазиятни кескинлаштириб, таъбир жоиз бўлса, сувни лойқалатиб қўйиб, ўзларига шу «лойқа»дан бирор «ўлжа» топишни умид қилдилар. Улар онг ва билими паст, чаласавод баъзи ёшларимизни йўлдан оздириб, ўзларининг ғаразли ниятларига етишлари учун улардан «пешка»лар сифатида фойдаланишга уринмоқдалар, ғўр ёшларнинг фикран ожиз миячаларига «халифалик», «ислом давлати» каби сохта тушунчаларни сингдириб, ўзларига хос ва мос «манқурт»ларга айлантирмоқдалар.

Яқинда ана шундай «халифалик», «ислом давлати» шайдоси бўлмиш «Хизбут-таҳрир»нинг фисқу фасоддан иборат варақаларини тарқатиб юрган бир гуруҳ адашган ёшларимизни суҳбатга тортдик:

— Аввало ўзингизни таништирсангиз?

— Равшан Йўлдошев бўламан. Собир Раҳимов туманидаги Фаробий кўчасининг муҳокама тор кўчаси 68-уйда яшайман.

— «Ҳизбут»га қачон аъзо бўлгансиз?

— Аъзо эмасман.

— Унда нега унинг варақаларини тарқатиб юрибсиз?

— Тарқатиш керак экан, деб тарқатавердимда.

— Ўша тарқатаётган варақаларингизда нима ёзилганини ўқидингизми, уни тушундингизми?

— Тушундим, озгина!

Эҳ, укагинам, агар озгина эмас, чуқурроқ тушунганингда эди, бу варақаларни ҳеч қачон тарқатмаган, гуноҳи азимга ботмаган бўлур эдинг. Лекин афсуски... деб ўзга йигитни саволга тутамиз:

— Исми шарифингиз?

— Шокир Шарифжонов. 1967 йилда туғилганман. С. Раҳимов туманида яшайман.

— «Ҳизбут»га аъзо бўлганмисиз?

— Йўқ!

— Ундай бўлса нима учун унинг варақаларини тарқатяпсиз?

— Савоб учун!

— Мусулмончиликда «Хизбут таҳрир»нинг варақасини тарқатиш савоб деган жойи борми? Ё бирор киши Сизга шундай деб тушунтирдими?

— Йўқ.

— Унда нега...

— Варақани тарқатишдан мақсад даъват деб тушундим.

— Нимага даъват қилаётганингизни тушунасизми?

— Ростини айтсам, менинг унчалик диний илмим йўқ.

— Ундай бўлса ўзингиз тушунмаган, билмаган, билишга илмингиз етмаган нарсага бировларни нега даъват қиласиз?

— Мен одамларга яхшилик қилмоқчи, Оллоҳнинг илмини, исломини тарғиб этмоқчи эдим!

Ана холос! Ўзингиз яхши тушуниб етмаган нарсаларга оммани даъват қилиб савоб олмоқчи бўлибсиз-да! Бордию сиз даъват қилаётган ишлар куфр (аслида ҳам шундай) бўлсачи? Унда Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг «Билими етмаган нарсага фатво берган киши унга амал қилганларнинг гуноҳларини ҳам олур...» деган муборак ҳадисларини бир эслаб кўйинг.

— Мен «Хизбут»га хизмат қилишни кишиларни имонга, намозга чақириш деб тушундим.

— Сиз тарқатаётган варақаларда Ўзбекистонда халифалик давлатини тиклаш ҳақида гап боради. Уни тарқатиш билан сиз давлатга, халққа қарши жиноят қилаётганингизни, бундан халқингиз, ота-она ва қариндош-уруғларингиз ҳам азият чекиши мумкинлигини биласизми?

— Аввало варақада нималар ёзилганини ўқиганим, тушунганим йўқ. Қолаверса оқибати бунақа бўлади деб ўйламовдим.

— Наҳотки, ўзи билмаган, ўқиб кўрмаган нарсаларни кўр-кўрона даъват қилиш гуноҳ эканлигини билмасангиз?

— Варақани исломий биродарларимиз бергандан кейин унга ишондим-да. Қолаверса у менга ислом илмидан, ўқиш ва ёзишдан сабоқ бераётганди.

— Ким унинг ўзи?

— Водийлик Аҳмад деган йигит. У билан Обид аканинг масжидида танишган эдик. Варақани ҳам ўша берди.

— Қаерда тарқатдингиз?

— Паркент бозорига олиб борувдим. Лекин тарқатишга улгурмадим.

— Агар тарқатганингизда ундаги ўзингиз ўқимаган, тушунмаган (айтишингизча) куфр гапларни бошқаларга даъват қилган бўлиб қолармидингиз?

— Ҳа!

— Унда Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг «Эшитган ҳар бир нарсани гапиравериш кишининг гуноҳкор бўлиши учун кифоя қилади» деган ҳадиси шарифларидан огоҳ бўлиб қўйинг. Шунда эшитган, ёхуд ёзилган гапларни кўр-кўрона даъват қилишдан, ўзингизни тийсангиз ажаб эмас.

— Мен Оллоҳнинг йўли учун даъват қилмоқчи эдим, холос.

— Унда сизга бир ривоят айтиб берсак майлими?

— Эшитаман.

— Бир киши умрини фақат тоат-ибодату даъватга сарфлабди. Аммо ўлимидан кейин унга жаннат эшиклари очилмабди. Ноилож дўзахга қараб йўл олибди. Бироқ уни дўзахга ҳам киритишмапти. Шунда у Аллоҳ таолога:

— Эй парвардигор, бу не кўргуликки, менга на жаннатда, на дўзахда жой бор? — деб илтижо қилибди. Шунда унга:

— Тўғри, сен умрингни тоат-ибодату даъват билан ўтказдинг. Гуноҳ иш қилмадинг. Шунинг учун ҳам сен дўзах азобидан халоссан. Лекин кишиларга ҳеч қачон даъватдан бошқа амалий ёрдам бермадинг. Эзгулик ишини қилмадинг. Шунинг учун ҳам сенга жаннат муносиб эмас. Жаннат билан дўзах ўртасида аросатда қоласан. Сен аросатдаги одамсан, — деган садо келибди.

Бундан келиб чиқадиган маъно шуки, сиз ҳам фақат даъват даъват (кошки у ҳам тўғри бўлса!) деявермай, юртингиз, халқингиз, ота-онангиз учун ҳам амалда эзгу ишлар қилиб, савоб олинг. Акс ҳолда ривоятдаги киши каби аросатда қолишингиз ҳеч гапмас.

— Сизнинг исми шарифингиз нима? — сўраймиз соқолли бир йигитчадан.

— Маҳмуд Муҳамедов! Тошкентликман. «Хизбут таҳрир»нинг аъзосиман.

— Қачондан бери?

— Аниқ эсимда йўқ.

— Хўш, «Ҳизбут таҳрир»га нега аъзо бўлгансиз. Унинг қайси ғоялари сизга ёқади?

— «Хизбут» менга исломни ўргатди.

— Нима, «Хизбут»га аъзо бўлмай туриб исломни ўрганса бўлмайдими?

— Мен соф исломни «Хизбут»дан бошқа ҳеч қаерда топа олмадим.

— Соф исломни топиш учун «Хизбут»дан бошқа партиялар ёки идораю уламоларга учрашдингизми?

— Йўқ...

— Унда нимага асосланиб «Хизбут» соф исломни ўргатади, деяпсиз?

— Китобини ўқиганман!

— «Ҳизбут таҳрир»нинг ўша китобларида Ўзбекистонда халифалик давлатини тиклаш хусусида ҳам ёзилганлигини биласизми?

— Ҳа, фақат Ўзбекистондагина эмас, бутун дунёда халифалик давлатини тиклаш керак, дейилган.

— Лекин хизбутчилар бу мақсадларига ҳеч бир мамлакатда эришолмадиларку. Аксинча, уларни мусулмон мамлакатлари ҳам таъқиқлаб қўйди. Ҳатто раҳбарларини энг олий жазога мубтало этди. Бунинг сабаблари ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми? Энди ўз мамлакатимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, халқимиз ҳуқуқий, демократик давлат қуриш йўлини танлади. 16 февраль воқеаларидан кўриниб турибдики, сизлар ҳокимиятни давлат тўнтариши йўли билан олмоқчи бўласизлар. Ахир, бу энг оғир жиноят-ку! Давлатга қарши жиноий ишга қўл уришдан аввало ўзингиз чўчимайсизми? Қолаверса, ота-онангиз, қариндош-уруғларингизнинг юзи шувит бўлишини, аҳволи не кечишини ўйламайсизми?

— Билмайман.

— Бу сизнинг ота-онангизга кўрсатган қанақа кароматингиз?

— Мен ота-онамга ҳеч қандай ёмонлик қилганим йўқ. Оллоҳнинг ўзи яратганингга, унинг Расулига яхшилик қил, ота-онангга ёмонлик этма, деб айтган.

— Ундай бўлса умри ўтиб бўлган аллақандай халифалик давлатини деб она халқингиз, ота-онангизни ранжитаётганингизни тушунасизми? Ахир, варақа тарқатаётганингизда сизни милиция эмас, оддий халқ вакиллари тутиб берди.

— Мени милицияга, ким тутиб берганлигини билмайман...

1978 йилда таваллуд топган, Собир Раҳимов туманилик Шамсиддин Абдураҳмоновга сизнинг «Ҳизбут-таҳрир»нинг варақаларини тарқатишдан мақсадингиз нима эди? — деб сўрасак у:

— Инсонларни Оллоҳнинг шариат ҳукмларидан хабардор этиш, — деб жавоб берди.

— Ўша варақаларда нималар ёзилганини биласизми? Умуман, «Ҳизбут»га аъзомисиз?

— Йўқ!

— Унда нега уларнинг тарғиботчиси бўлиб юрибсиз? Ё бу ишингиз учун пул беришдими?

— Йўқ, пул беришмади. Пайғамбаримиз менга эрганганлар нажот топади, деганлар.

— Алҳамдиллуллоҳ, биз ҳам мусулмонмиз. Пайғамбаримизга эргашамиз. Лекин сиз «Ҳизбутга эргашяпсизку?!. Халққа, Президентга қарши иш қиляпсиз-ку!?.

— Сиз ўзингиз исломни, Қуръонни пухта биласизми?

— Йўқ.

— Унда билмай туриб нега даъват қиласиз? Ўзи билмаган, тушунмаган нарсаларга кишиларни даъват қилиш гуноҳ эмасми?

— Албатта гуноҳ.

— Шундай экан, бу даъватчилигингизга қандай қарайсиз?

— Энди исломда билган нарсангни ўзгаларга даъват қилиш, ўргатиш керак дейилган.

— «Ҳизбут таҳрир» қанақа маънони беради. Шуни биласизми?

— Билмайман.

— Унда, ҳатто номининг маъносини ҳам билмайдиган фирқага, оқимга нега хизмат қилиб юрибсиз?

.....

Менимча, — деб гап бошлади «Ҳизбут таҳрир»нинг варақасини тарқатиб юриб, қўлга тушган Тўлқин Зиёдов (у Тошкент шаҳридаги Сағбон кўчаси Улуғбек тор кўчасида жойлашган 4-уйда яшайди).

— Исломни даъват қилиш учун «Ҳизбут таҳрир»га аъзо бўлиш шарт бўлмаса керак.

- Сиз ўзингиз исломни, Қуръонни мукаммал биласизми?

— Йўқ.

— Унда билмай туриб, нега даъват қиласиз? Шифокор бўлмаган одам билиб-билмай жарроҳликка қўл урса гуноҳ бўладими, ё савоб?

— Албатта гуноҳ бўлади?

— Унда ўзи Исломни билмай туриб, уни даъват қиламан деб юриш ҳам гуноҳ бўлса керак, шундайми? Тўлқинжон сизнинг даъватларингиз жамиятимизда турли зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Зиддиятга олиб борувчи ҳар бир ишни эса бемалол гуноҳи азим, дейиш мумкин.

— Мен нимаики қилган бўлсам соф ниятда, савоб учун қилувдим. Бунақа халқимизга ёмонлик бўлишини билмаганман. Зеро мусулмон одамнинг дилида ҳам, тилида ҳам доимо яхшилик бўлиши керак, ундан ҳеч ким ёмонлик кўрмаслиги лозим.

Пойтахтимизнинг аҳоли гавжум жойларида варақа тарқатиб юрганлар билан қилган мазкур суҳбатимиздан шу нарсага ишонч ҳосил қилдикки, уларнинг кўпчилиги адашиб бу йўлга кирган билими саёз, дунё қараши паст ёшлардир. Шундай экан, бу чалғиган ёшларга пайғамбаримиз (с. а. в.)нинг «Одамларни чалғитиб ноҳақ йўлга бошловчи... дажжолдан ҳам хавфлидир» деган ҳадисларидан келиб чиқадиган маъноларни тушунтириб, уларни қилиб юрган бемаъни ишларидан тавба қилишларига эришайлик. Зеро, Расулуллоҳ (с. а. в.) «Гуноҳидан тавба қилувчи киши гуноҳсиз одам билан баробардир» деганлар.

Дарвоқе, пировардида «Ҳизбут таҳрир»нинг варақаларини тарқатиб юрган ёшларимизга:

— Хўш, кимнинг ноғорасига ўйнаяпсиз? — деган ўринли саволни беришга ҳақлимиз. — Билиб қўйингки, халқимиз ўзи танлаган ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлидан қайтмайди. Унинг қарори қатъий!

**Азиз ЭРНАЗАРОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот марказ бошлиғи; милиция подполковниги**
**Мурод КАЛОНХОН,**
**Мурод ХАЛИЛОВ,**
**«Адолат»нинг махсус мухбирлари.**

---

*Самарқанд вилоят «Зарафшон» газетаси —«Адолат» меҳмони*

# ЙИГИРМА МИНГИНЧИ ДОВОН

***«Зарафшон» нафақат Самарқандда балки республикада ҳам миллий матбуотимизнинг қалдирғоч нашрларидан бири ҳисобланади. Яқинда рўзноманинг 20 мингинчи сони муштарийлар қўлига бориб етди.***

***Қўшиқнинг сўзларини туширириб айтиб бўлмагандек матбуот ҳам ҳамма замонларда ўз даврининг ойнаси бўлган. Жамият ҳаётининг турли бурилишларида юз берган воқеаларни, замондошлар онгидаги ўзгаришларни ўз саҳифаларида акс эттириб келган. Эҳтимол шунинг учун ҳам «Зарафшон» муштарийларга тарихан қадрли, ўтмишнинг ёрқин, холисона гувоҳи сифатида эъзозлидир.***

Бугунги мустақиллик, ҳур фикр, демократия шароитида «Зарафшон» журналистлари бурч масъулиятини янада чуқур, теран англаб ижод қилмоқдалар. Йигирма мингинчи довонда газетага муҳаррирлик қилиш бахтига муяссар бўлган ажойиб инсон, иқтидорли ҳамкасбимиз Фармон Тошев билан журналистиканинг бугунги изланиш ва ташвишлари хусусида суҳбатлашдик.

**— Фармон ака, Самарқандда матбуотнинг ўзига хос маҳорат мактаби борлиги ҳақида тез-тез гапиришади. Ана шу мактабнинг яратилишида «Зарафшон»нинг таъсири қандай бўлган?**

— Аслида мукаммалликнинг аниқ чегараси йўқ. Ҳаёт ўзгарган сайин инсоннинг касбига, ижодига, санъатига бўлган талабчанлиги ҳам кучайиб боравераді. Лекин чинакам ижодкор, қаламкаш, журналист ҳаётдан доимо илгарироқ рию́риши керак. Жамият ривожидаги воқеа-ҳодисаларни ўз фикр торозисида ўлчаб хулоса чиқариши, оғриқли нуқталарни бехато аниқлай олиши, муаммоларга манфаатдорлик билан ёндошиши зарур. «Зарафшон»чиларнинг ютуғини ҳам шунда деб биламан.

Самарқандда журналистиканинг маҳорат мактабини яратишда Саидризо Ализода, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Раҳим Шокирбеков, Лутфилло Ҳамроев, Шароф Рашидов, Аҳмаджон Мухторов, Анвар Жўрабоев, Асад Дилмуродов, Манноп Нажмиддинов сингари устозлар меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим.

**— «Зарафшон»нинг муштарийлар эътиборини қозонган энг муҳим фазилати нимада деб ҳисоблайсиз?**

— Жанговарлик, курашчанлик, холисоналик, муштарий билан ҳисоблашиш ва унинг фикрини инобатга олиш. Ахир ўқувчи газетада ўз қиёфасини кўриб туриши керак.

**— Газетанинг маҳаллий ҳокимият билан муносабати қандай?**

— Бошқаларга қараганда анча зўр! Ҳар битта танқидий чиқишимиз вилоят ҳокимлигида албатта муҳокама этилади. Хусусан тунги клублар, йўлакдаги ошхоналар, ёпиқ кутубхоналар ва тазйиққа учраган фермерлар хусусидаги фельетонлар асосида белгиланган тадбирлар катта фойда берди. Вилоят ҳокимлиги ўз газетасини ҳам маънавий ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда.

**— Фармон ака, шу кечакундузда битта газетани рисоладагидек қилиб чиқаришнинг ўзи катта машаққат. Аммо «Зарафшон»чилар асосий нашрга қўшимча сифатида «Бибихоним» ва «XXI аср» деб номланган иккита иловани ҳам бинойидек чиқаришмоқда. Демак ижодий имкониятларингиз хийла кенг, режалар кўп экан-да.**

— Биласизми, ҳамма нарсанинг баҳосини бозор белгилайдиганпайт ҳозир. Шу жумладан «Матбуот бозори»дан ҳам ҳаридорни жалб этиш учун рақобат кучаймоқда. Бу талабни вақтида илгамасак ютқазамиз. «Бибихоним» ва «XXI аср» иловалари кўп нусхада чоп этилсада, газет дўконларида туриб қолмай қўлма-қўл бўлиб кетаяпти. Шунинг ўзи бизга ижодий куч, ғайрат бағишлайди.

**— Рўзнома муштарийларга янада яқинроқ бўлиши учун уни қандай қиёфада кўришни истар эдингиз?**

— Шунчаки ҳисобот учун ёки илтимос билан ёзиладиган, мақолалардан қутулдик, шекилли. «Фалон жойда фалон тадбир бўлиб ўтди» қабилидаги ахборотлардан, қишлоқ хўжалигига оид зерикарли хабарлардан воз кечдик. Одамларни ўйга солаётган, ташвишлантираётган турмуш муаммолари ҳақида хатлар саҳифасида батафсил фикр юритаяпмиз. «Муносабат» саҳифаси ҳам анча жонли чиқмоқда. Ҳар хафтада ўқувчиларимиздан 40-50 тагача мактуб олаяпмиз.

Қийналаётган жиҳатимиз — тахлилий мақоладан. Таҳририятимизда асосан ёшлар меҳнат қилаётганини назарда тутсак, иқтисодий-ижтимоий мавзудаги чуқур таҳлилга асосланган материаллар камроқ ёритилаяпти. Шуни ҳисобга олиб ижодий ходимларни маълум соҳаларни чуқур эгаллашга даъват этаяпмиз. Четдан бизга хат йўллаётган фаолларимиз учун 6 ойлик мухбирлик курси ташкил этганмиз.

**— Фармон ака, журналистика кўчасига бугун кириб келаётганлар зиммага нечоғлик оғир масъулиятни олаётганликларини англаяптиларми?**

— Газетачиликда ва ижодда рақобат керак. Ўз истеъдоди билан эл назарига тушаётган ҳамкасбларга доимо ҳайриҳоҳмиз. Бироқ баҳорги ёмғирдан сўнг бодраб чиққан қўзиқоринлек бир-бирига ўхшаш, олди-қочди воқеаларга зўр бераётган газеталар кўпаяётгани жиндек хафсалани пир қилади. Рўзномани шу йўл билан даромад манбаига айлантирмоқчи бўлаётган ҳамкасбларга ачинаман.

**— «Адолат» газетаси жамоасига истагингиз?**

— «Адолат» қисқа вақтда ўз йўлини топаолган, муштарийлар қалбидан жой олган, исми жисмига монанд газета. Адолатни қарор топтириш йўлида курашчанлик, фидойилик ҳамиша сизларга ҳамроҳ бўлсин.

**Суҳбатдош: Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ.**

---

*Муносабат*

# МАГАР ЧИНОР БЎЛСАНГ...

***Сўнги вақтларда қўшни Қирғизистон жанубида юзага келган сиёсий —ҳарбий вазият кишилар қалбида ташвиш ва хавотир туғдирмоқда. Бир гуруҳ куролланган жангариларнинг машъум ниятлари йўлида бегуноҳ кимсаларнинг қони тўқилмоқда. Бугун ўқлар овозидан минглаб соддадил, меҳнаткаш одамлар макон тутган қадим тоғ ёнбағрлари ларзага келмоқда. Энг оғир дамларда ҳам уйига меҳмон келса, сўнгги бурда нонини дастурхонга қўйган меҳмондўст қирғиз ва ўзбек аёли бугун чақалоғини бағрига босиб, боласини етаклаб, мўжазгина, аммо ўзи учун беҳад азиз бўлган хонадонини тарк этиб, қочоқлар сафига қўшилмоқда.***

Хўш, кечагина эртанги турмуш ташвишлари билан куймалашиб юрган қишлоқ аҳлининг тинчини кимлар бузмоқда, улар нима истайди, ўзи?! Аслида, мундоқ, разм солсангиз, уларнинг башараси сизга таниш кўринади. Ҳа, тўғри. Сиз уларни ўша Жазоир, Миср, Фаластин, Иордания, Афғонистон, Тожикистон, Доғистон, Чеченистон, Ўзбекистон... да кўргансиз. Уларни миллати йўқ, номлари эса — террорчи, жангари, аҳмадапараст, мутаассиб, экстремист... Мақсадлари ҳам сизга аён — халифат, амирлик, Ислом жумҳурияти ташкил этиш. Касбу корлари — жаллодлик, бузғунчилик... Улар учун давлат чегаралари йўқ. Улар ислом дини ниқобида сиёсий ҳокимиятга интилаётган кучлардир. Аммо дин билан сиёсатни аралаштирмаслик керак. Дин — бу эътиқод масаласи бўлса, сиёсат — бу ҳокимият масаласидир.

Ўзларини «ваҳҳобийлар» атаб, ислом динининг чинакам софлиги учун «курашаётганлар» шуни яхши билишлари лозимки, бу ҳаракат аллақачон ислом дунёсида диний-сиёсий оқим сифатида таърифланган ва қораланган.

Афсуски, сўнгги йилларда бу оқим Марказий Осиё минтақасига ҳам сизиб кириб, диний экстремизм, терроризм кўринишларида намоён бўлмоқда. Ҳозирда Қирғизистоннинг жанубий ҳудудларига кириб олган жангарилари ҳам бундан мустасно эмас.

Республиканинг Боткент, Чўн — Олой туманларида содир этилган қотилликлар, хунрезликлардан қирғиз ҳам, ўзбек ҳам бирдек ғазабга келди. Наҳотки, бу кимсалар ўзларини «халифат» деб атаётган «ҳокимиятларига» ўз ватандошлари, диндошлари мурдаларини босиб боришни ният қилган бўлсалар! Ахир, Ислом дини муслимни муслим томонидан ўлдирилшини гуноҳи азим ҳисобламайдими?!

«Айни замонда биз дин пешволарига, ўзимизга ўхшаган мусулмон биродарларимизга бир насани такрор ва такрор уқтирмоқчимиз: дин ўз йўли билан, давлат ўз йўли билан. Диний партиялар тузиб, ҳокимият талашиб юришлар Худога ҳам ёқмайди. Ислом дини инсонларни камтарликка, камсуқумликка ундайди. Мусулмон фарзанди бировни кофир, бировни художўй деб тоифаларга ажратмайди... Сабаби, бандасининг устидан бандаси эмас, Худонинг ўзи ҳукм чиқаради. Шундай экан, бир — биримизни беҳуда айблаб, мен мусулмон, сен кофир деб талашиб юришлар бизга тўғри келмайди». Бир эсланг, жаноблар! Ахир, бу сўзларни Ўзбекистон Президенти бир нарсани олдиндан сезганидек, айтган эди. Шунинг учун ҳам биз бугун қирғиз мусулмонлари бошига тушган мусибатларни ўз дардимиз каби қабул қилмоқдамиз. Президентимиз ташаббуслари билан Ўшда бўлиб ўтган ҳукумат вакиллари учрашувида таъкидланганидек, бу борада, Ўзбекистоннинг позицияси аниқ-равшан. Биз, минтақада тинчлик ва барқарорлик учун ҳар қандай, ҳатто ҳарбий ҳамкорликка ҳам тайёрмиз.

Биз бугун ҳар қачонгидан ҳам Туркистон — умумий уйимиз эканини яққолроқ ҳис этмоқдамиз. Минтақа хавфсизлиги алоҳида олинган давлатнинг — Ўзбекистон, Қирғизистон ёки Тожикистоннинг — иши эмас, бу биргаликда амалга ошириладиган ғоя муҳим вазифадир.

Бироқ, реал хавф - хатар мавжудлигини унутмаслигимиз керак. Ахир кўнглимиз каби, ички давлат чегараларимиз ҳам очиқ. Бу дегани, хоҳлаган одам у ёқдан бу — ёққа ўтиб юраверади, дегани эмас. Уни кўз қорачиғидай асраш барчамизнинг бурчимиз. Марказий Осиё Ҳамдўстлиги тузилаётганда унга бешта бақувват илдизли улкан чинор сурати тимсол — рамз этиб қабул қилинган эди. Бугун ана шу илдизлардан бирига кимдир болта урмоқчи бўлса, чинор шохларига зарар етмайдими, япроқлари бевақт хазон бўлмайдими?!

Йўқ, бунга сира йўл қўйиб бўлмайди, демак, ҳамиша ҳушёр ва яна ҳушёр бўлмоғимиз шарт. Шу ўринда Ўзбекистон халқ шоири ва қаҳрамони Абдулла аканинг айтганлари ёдга тушади;

...Магар чинор бўлсанг, чинордек яша,
Бевақт тўкилмасин бирор япроғинг.

**Н. ЖЎРАБОЕВ,**
**Тошкент автомобиль — йўллар институтининг «Ўзбекистон тарихи» кафедраси доценти.**

# АДАШГАН ҚИЗ ҚИСМАТИ

*Воқеий ҳикоя*



***Саида даҳшатли исканжага тушиб қолганини ҳис этди. Бу нотаниш хонадонда қолишнинг имкони бўлмади... «Дода»лари тузиб берган «режа» барбод бўла бошлади. Улар ўргатганидек бўлмади. Хонадон соҳиби — Эргаш ака мутлақо тегажоқлик ё қўрслик қилмади, ортиқча гап-сўз демади. Кап-катта эркакнинг ўзидан бирор ҳаракат бўлмагач, ожиза қандоқ қилсин?.. Қолаверса, бу киши ҳам анойилардан эмаскан.***

***Хонадон соҳиби безовталаниб сўради:***

***— Отанг келмади-ку?***

***— Кеп қолар... — Қиз ёлғонлаётганини сездирмасликка уриниб мингирларди. — Балки, катта шаҳарда адашиб қолгандир?***

— Узи адашадиган бўлса, сени қандоқ ишониб юборди?

Қиз каловланиб қолди. Шу тобда у урра қочгиси келарди. Бироқ, қаерга ҳам қочсин? Пастда — қоронғи йўлакда бунданда даҳшатлироқ фалокат кутаётганини ўйлаб эти увишди. Ё, хонадон соҳибига ҳаммасини рўйи-рост айтиб берсамикин?.. Сири фош бўлса, Эргаш ака унинг башарасига тупуриб, ўйидан ҳайдамайдими? Сўнг, шу қоронғи кечада ёлғиз қиз барзангилар қўлида қолмайдими... У ҳолда ҳоли не кечишини ўйлаган сари вужуди титрарди. Қиларини қилишиб, сўнг, ўлдириб кетишса, ким билиб ўтирибди?.. Шунақа қўрқинчли воқеалар ҳақида қанча гаплар эшитган, газеталарда ўқиган.

— Мен ухлашим керак, эртага ишларим жуда кўп, — дея шарт ўрнидан туриб кетди хонадон соҳиби. — Сени ҳолаваччмникига элтиб қўяман, ўша ерда дамингни олаверасан. Мабодо отанг келиб қолгудек бўлса, ўзим меҳмон қиларман, қолганини эртага гаплашармиз...

Хонадон соҳиби кўчага чиқишга ҳозирлана бошлади. Чамаси, нимадир олиш учун ичкари хоналардан бирига кириб кетди. Ҳозир чиқибоқ, «қани кетдик» дейиши аниқ...

Тамомила саросимага тушган қиз аста ўрнидан қўзғолди. Қия очиқ турган эшикка яқинлашди. Беихтиёр ортига тисарилди. Кўчага ўз оёғи билан чиқиш — ўлимдан ҳам баттар...

Таҳлика ичра аланглади. Ланг очиқ турган деразага кўзи тушди-ю, нажот йўли топилгандек бўлди. Шу томон тез-тез юриб келди-да, пастга қаради. Унчалик баланд эмасдек. Кимсасиз қоронғи боғдаги дарахт шохларига осилиб тушиш ҳам мумкин. Юраги гурс-гурс урарди. Нима қилаётганига ақли ҳам етмай, секин деразадан осила бошлади. Секин-секин сирғалиб, пастга «гуп» этиб тушди...

* * *

Эргаш ака йўлга ҳозирланганча қайтиб чиққанида меҳмон кўринмасди. Ҳайрон бўлиб эшикка қаради, йўлакка чиқди. Ҳеч зоғ кўринмагач, уйига қайтиб кирди. Ногоҳ кўзи ланг очиқ орқа деразага тушди. Тушди-ю... кўзларига ишонмай қолди. Дераза рахидан тирмашиб тушаётган қизнинг қўллари кўриниб турарди. Югуриб бориб тутмоқчи бўлди-ю, улгура олмади.

Қиз пастга қулаб тушди...

Нималар бўлаётганига ақли шошганча Эргаш ака пастга қаради. Қоронғиликда инграб ётган қиз олдида иккита нотаниш кимса ғимирлашарди. Тапир-тупур, ғайритабиий товушлардан қўни-қушнилар саросимага тушушлари табиий. Деразалар шарақа-шуруқ очилиб, ичкаридан ранг-баранг нурлар тўкила бошлади.

Хонадон соҳиби шошиб қолди. Жонҳолатда ўзини эшикка урди. Пастга томон айлана бўлиб кетган зиналардан шоша-пиша тушганча уйининг орқа томонига югурди. Нақ учинчи қаватдан қулаб тушган қизнинг ёнига етиб келганида ҳалиги икки кимсанинг қораси кўринмасди.

— Нима бўлди, қизим? Нега бундай қилдинг? — Тамоғига нимадир тиқилгандек бўлиб сўраган саволи шу бўлди Эргаш аканинг. — Уйқишга кира олмаган одам ўзини томдан ташлаши керакмиди? Отанг келиши ростмиди ўзи?

— Менга яқинлашманг, — деди қиз бўғилиб. — Нега ундай қилмоқчи бўлдингиз?

— Нима қилдим?..

— Буни энди сизга эмас, керакли одамларга айтаман. — Тап тортмасдан бақрайганча бидирларди қиз.

— Туҳмат балосидан асрасин-а!.. — Ҳайқириб юборди Эргаш Тошматович. Кўзига тик қараганча шунчалик туҳмат гапларни ёғдира бошлаган кимсани умрида биринчи бор кўриб, ҳангу-манг эди шу тобда.

Демак, ҳаммаси аён: чақирилмаган «меҳмон»нинг келиши, бир лаҳзада тап тортмасдан уйга кириб олиши, «отам ортимдан келмоқда, шаҳарликларникига қуруқ қўл билан бормайлик деб ул-бул харид қилишга қолувди» дея тилёғламалик қилишлари — барча-барчаси ёлғон. Ҳаммаси уюштирилган. Бироқ, ўша уюштирганлар ким бўлдийкин? Ожизанинг отаси қани? Боя қоронғи боғда ғимирлаб юрган кимсалар қаёққа ғойиб бўлдийкин?..

Эргаш ака бундай пайт ўйлаб ўтиришнинг мавриди эмаслигини яхши биларди. Дарҳол катта кўчага югурди. Тезроқ машина топиш, беморни шифохонага етказиш зарур...

* * *

Ёлғиз эркак бегона жувонни уйига киритишдан мақсади нима бўлиши мумкинлиги ҳақида деярли ҳамма бир хил ўйлайди... Қўни-қушнилар кўз олдида жуда хунук иш бўлди-да. Хотини, бола-чақаси уйида йўқ пайти гўё Эргаш ака бегона қизни уйига бошлаб кирган... Қандай шармандагарчилик? Қирқни қоралаган, қизининг бўйи бўйига тенглашай деб қолган, ўғилларининг мўйлаби сабза ура бошлаган кап-катта эркакка бу беномусона гаплар қандоқ бўларкин? Гулдек рафиқасининг олдида ким деган одам бўлади энди?..

Бу бетайин гаплар ишхонасига ҳам етиб борса нима бўлади? Жамоасида ҳам тушунганлар бор, тушунмаганлар бор... Зимдан чоҳ қазиб юрган кимсалар бўлса — уларга берди, деяверинг.

Ўзи қаердан келиб қолди? Эргаш Тошматович ишдан жуда кеч қайтганди. Йўл-йўлакай иккита нон ҳам олди. Еганча еб, қолганини талқон қилишни ўйлаганмиди-ей. Хуллас, уйига тинч-омон кириб келганида кеч соат ўнга яқинлашганди. Деразаларини ланг очиб, димиқиб кетган ҳавони алмаштирган бўлди. Нима иш биландир ҳовлига чиқди. Олисроққа кетмаса эшикни қулфлаш одати йўқ эди. Шу «одати» панд берди. Беш-ўн дақиқадаёқ қайтиб келганида не кўз билан кўрсинки, меҳмонхонасида истараси иссиққина бир қиз ўтирибди. Худди эски танишлардек ўрнидан дик туриб, тавозе билан салом берди. Хонадон соҳибининг савол назари билан қарашига жавобан бидирлай кетди:

— Чақирилмаган меҳмон ким бўлди, деб ҳайрон бўляпсизми? Дадам билан келдик...

— Қани дадангиз? — Чиндан ҳам ҳайрон эди хонадон соҳиби. — Кимнинг қизисиз ўзи?

— Ҳамроқул деган оғайнингиз ёдингиздадир? Водийдан.

Эргаш Тошматович эслагандек бўлди. Талабалик йилларида шунақа ўртоғи бор эди шекилли. Ҳа, ҳа, қарамағизгина эди. Қизи ўзига тортибди.

— Қани ўзлари? Дадангиз уйимни билармикин? — Тааж-жубланаётганини яширмасдан сўради хонадон соҳиби.

— Билмаса мени юборармиди? — Эски танишлардек хандон отиб кулди қиз. — Шаҳарлик оғайнимникига қуруқ қўл билан бормай, дея бир савдо растасида тушиб қолди-де. Шаҳарларингизда ярим кечадаям дўконлар ишлайверараркан-ку. Қолганини оғайнингиз билан гаплашасиз...

— Қанақа гапни?

— Боя иккимиз гаплашган гапни-да.

— Сиз билан қачон, нимани гаплашгандик? — Ҳайрон бўлди Эргаш Тошматович. — Чиндан ҳам қаердадир кўрганман сизни...

Қизнинг қошлари чимирилди:

— Чиндан ҳам танимадингизми? Шоир бўлиб кетинг-е. Боя институтингизга боргандимку. Уқишга киришга бир баллгина етмаётганини айтгандим. Отанг келса, гаплашсак бўларкан, дедингиз-ку!.. Фаришта омин, деб дадам ўзлари кеп қолдилар...

* * *

Ўша куни туш маҳали тарвузи қўлтиғидан тушганча институт дарвозасидан чиқиб келаётганида Саидани кимдир чақиргандек бўлганди. Ортига қараса, пўримгина кийинган икки киши илжайиб туришибди.

— Ҳа ўша домла кимингиз бўлади, яхши қиз? — сўради улардан бири йўлакда турган Эргаш Тошматовични кўрсатиб.

— Менга ҳеч ким бўлмайди, ўзи ҳозир танишдик. — Қиз дардини достон қила кетди. Сўнгги сўзларини айтаётганида кўзлари намланди. — Энди дадам гаплашсалар ўқишим ҳал бўладиганга ўхшаяпти...

— Бу домлаларга пул бўлса бас-да. — Сирли шивирлади нотаниш амаки. — Эҳтимол пул сўрамоқчидир. Шу қилганига ўзини боплаб туширмаймизми? Бир-икки миллион сўмни қуртдек санаб берганини билмай қолади ўзи. Қўлга илинтирганимизни арра қиламиз. Уқишингизгаям, шаҳарда чиройлигина юришингизга ҳам мундоқ етади! — Бош бармоғини кекирдаги устидан сермаб кўрсатди у. — Бу ишни дадангизсиз ўзимиз ҳал этсак бўлади. Сўнг, сиз билан ота-бола киришиб кўя қолардик...

Уқишга киришни шундай гўзал шаҳар — Тошкентда мазза қилиб юришдан иборат деб тушунаётган қизга нотаниш амакининг гаплари оҳанграбодек ёққани юзидан аён билинарди. Мақсадига эришиш йўлида ҳозир у ҳеч нарсадан қайтмасди...

«Тутинган ота» унинг биладигидан олиб, бир четга бошлади. Улар бугун кечки пайт Эргаш Тошматовичнинг уйига бориш, боплаб «тушириш» режасини туза бошладилар...

* * *

Шифохонадан қайтаркан Эргаш Тошматович дарҳол ички ишлар бўлимига хабар беришни дилига тугиб қўйганди. Хаёллари айқаш-уйқаш бўлганча уйига яқинлашаркан, нимқоронғи йўлакда нотаниш кимсалар йўлини тўсди. Бири новчароқ, сочлари паттайган, совуқ башарасини эса унчалик кўриб бўлмасди. У худди танқўриқчисидек унсиз атрофга аланг-жаланг қиларди. Иккинчисининг бўйи калтароқ, юмалоқдан келган башарасидан унчалик безорига ўхшамасди. «Музокара»ни ўша калта бўйлиси бошлади:

— Қаёққа шошяпсиз, окоси? Мелисага югурсангиз ўзийизга жавр бўлади-я. Яхшиси, ҳаммасини ўзимиз тинчитамиз...

— Сизларни танимадим, кимсизлар? — Ҳаяжонини зўрға босиб сўради Эргаш Тошматович. — Менда нима ишларингиз бор?

— Деразангиздан тушиб кетган қизнинг додаларимиз, билдийизми? Ёш қизга тегажоқлик қилмоқчи бўлдийизми, дейман?..

Эргаш Тошматовичнинг бошидан чақмоқ ургандек бўлди. Наҳот, шунча нарсани уюштираётган жиноятчилар билан юзма-юз тургани рост бўлса?! Шу тобда шерга айланиб, қаршисида серрайибгина туришган инсон қиёфасидаги маҳлуқларга ташлангиси келди. Қанийди, иккисиниям тилка-пора қилиб ташласа!.. Аммо, начора, қоронғи тунда улар билан олишиб бўлармиди? Бу ёқда қандай фалокат юз берганини ҳали-ҳануз ҳазм қилолганича йўқ-ку...

Бир неча сониядан сўнг тили зўрға калимага келиб сўради:

— Дадаси бўлсангиз нега келмадингиз? Сизни кутиб...

У яна нимадир демоқчи эди, қизнинг «додаси» қўлини пахса қилди:

— Энди ади-бади гапларга ҳожат йўқ. Модомики, ўзини шунча юқори қаватдан ташлабдими, демак, эси паст экан. У бугун сиз билан ачомлаши-иб ётиши керак эди. Ўзингиз ландавурлик қипсиз ё жаа ошиворгансиз...

— Қўл теккизиш у ёқда турсин, ҳатто ортиқча гап-сўз ҳам айтмадим-ку?!

— Унда, ўзи экан, дедим-ку... «Додаси» кўрсаткич бармоғини чаккасига нуқиб кўрсатди. — Бўлар иш бўлди. Энди ўзингизни ўйланг. Беш минг «кўки»дан ташласангиз олам гулистон бўлади-қўяди. Қизгинанинг ўқишиям ҳал бўлади, ўзиям тинчийди, бизам хизматимизга яраша ҳақимизни олган бўламиз. Сиз ҳам ишдан ҳайдалмайсиз, қамалмайсиз...

Эргаш Тошматович довдираб қолди. Наҳот, одамзод шунчалик ваҳшийликка борса?! Бу «ўйин»дан қандоқ чиқиб кетса бўлади? Мияси яшин тезлигида ишлай бошлади. Ахир, бу маразларни тегишли органларга тутиб бериши мумкин-ку. Қилғилиқни қилиб қўйган қизгина ҳам жавоб беради керак бўлса!..

Шу тобда унинг хаёлидан ўтаётган гапларни уқиб тургандек «додаси» лўқма ташлади:

— Мелисага тутиб бераман, деб хомтама бўлманг — уларнинг ҳаммаси ўзимизнинг одамлар. Прокуратурада шахсан ўзим неча йил ишлаганман...

— Йў-ўқ, — деди чўзиб Эргаш Тошматович. — Мен шунча пул топиб бера олмаслигимни ўйлаяпман. Ўзим фақат маошимга қаноат қилиб яшайман.

— Жонингиз омон қолишини ўйламаяпсизми? Наҳот бола-чақалар ҳам кўзга кўринмаяпти?! — лўқма ташлади боядан бери сукут сақлаб турган «танқўриқчи». — Жилла қуриса бир-икки миллион сўм ташланг. Ҳаммасини ўзимиз тинчитамиз. Эртага мелисаям сиззи излаб овора бўлмайди, қизгина ҳам тинчгина уйига жўнайди, вассалом.

— Ахир у... — Эргаш Тошматовичнинг гапи бўғзида қолди.

«Дода» кўрслик қилди:

— Ўлмай қолдими, бас, ҳозироқ уйига равона бўлади. Биззи машина учун водий бир қадам!.. Қани, гапни чўзишдан фойда йўқ. Пул топасизми? Ишнинг тезроқ битиши — пул топишингизга боғлиқ...

Эргаш Тошматович оғир тин олди. Бошини сарак-сарак қилганча тақдирга тан берган бўлди:

— Майли, топамиз, — деди чуқур уф тортиб. — Фақат, бешўн кунсиз топишим маҳол. Ҳозир қарз бераман деб кимнинг кўзи учиб турибди, дейсиз?

— Ўн кун муҳлат берамиз! — Чўрт кесди «додаси». — Нақд бир миллион сўм топасиз. Қолганини кейин гаплашамиз...

Эргаш Тошматович секин сўради:

— Демак, ички ишлар бўлимига бориб ўтиришимга ҳожат йўқ, шундайми?

«Додаси» ҳиринглаб кулди:

— Айтдим-ку, ўзимиз «дода», ўзимиз — мелиса. Сиз жимгина пулни топаверинг, вассалом!..

Нотаниш кимсалар узун йўлакда қоронғилик қаърига сингиб кетдилар.

Боши гувлай бошлаган Эргаш Тошматович ҳам қўпқаватли уйи томон одимлади. Зинадан бирин-кетин юқориларкан, ҳувиллаб ётган уйига киришга юраги бетламасди...

* * *

Учинчи қават деразасидан йиқилганда ўлмай қолиш — бахтли тасодифдан бўлак гап эмас. Бор-йўғи бир қўлининг суяги синибди, бироз мияси чайқалган, юзи озроқ лат еган. Шифохонада ўзига келган қиз энди ўзини оқлашга чора изларди. «Дода»лари ўшанда — у йиқилиб тушганидаёқ тепасида пайдо бўлган, «агар бизни сотсанг — ҳолинг вой бўлади» деб қўркитганди. Агар, бирор гапсўз бўлса, «Эргаш ака уйига алдаб олиб кирди, зўрлади, номусимга тегди, аламимга чидай олмай ўзимни деразадан ташлавордим» дейсан, деб ўргатишга ҳам улгуришди-я. Бошқа жўялироқ гап ҳам йўқ эмиш... «Дода»сидан эшитган узуқ-юлуқ гапларни бокира қиз тасаввурига сиғдира олмасди.

«Тегди...» дегани нимаси? Қанақа қип тегиши мумкин ўзи? Шу тобда айрим шармсиз киноларда кўрганлари ёдига тушиб, ўзидан ўзи уялиб кетди. Ҳали бунақа кўчалардан ўтмаган қиз ўзига «тегиши» ҳақидаги гапларни ҳазм қилолмасди... Бўлмаган ишни қандоқ «бўлди» десин? Текшириб кўришмайдими? Дўхтирлар андими? Туҳмат қилсанг — каттароғидан қил, деган гапни эшитган, аммо, бу ўша «каттароғи»дан ҳам юз минг чандон каттароқ эмасми? Қуюшқондан чиқма, деб шуни айтсалар керак-да. Йўқ, Саида бундай қилолмайди. Бунчаликка боришга ҳатто журъати етишмаса не қилсин?..

Ўзини шунчалик қабиҳ йўлга бошлаган кимсаларни — бир кунлик «дода»ларини ҳали тузикроқ танимайди-ю... улар билан тил бириктиргани ошкор бўлиб қолса борми... Ўшалар билан бирга тергов қилишса-я?! Битта қафасда ўтириб судланса-я... Юрист бўлиш илинжида елиб-югурган қизнинг орзулари тамомила чиппакка чиқиб, ўзини панжара ортида кўрсая?! У қанчалик қабиҳ ишга қўл урганини англаб етди. Шу тобда хаёлидан ўта бошлаган гаплардан Саида бир чўчиб тушди. Ўзини тубсиз жарликка қулаётгандек ҳис этди.

Жароҳати енгилроқ бўлганида шу оқшомнинг ўзида жуфтакни ростлаб қолган бўларди. Бунақа «ўйин»дан тинчгина чиқиб кетишга не етсин? Дўхтирлар хат-ҳужжатни қойиллатиб қўйишди. Ички ишлар бўлимига хабар беришга ҳам улгуришди-ёв... Энди нима қилмоқ керак? Қандоқ йўл тутса жони омон қолади? Қонун посбонларининг «ёмғири»дан қутулди ҳам дейлик, у ҳолда қутурган итдек изғиб юрган «дода»ларининг дўлига тутилиб қолса ҳоли не кечади?.. Шу тобда Саиданинг боши ҳар қанча ғувилламасин, бу бетайин «ўйин»дан силлиқ чиқиб кетиш йўлларини зўр бериб ўйларди.

Тўғри гапинг гоҳида ўз бошингга тўқмоқ бўлиб урилиши ҳеч гапмас. Тўғри гапириб, тўқмоқ егандан кўра озроқ ёлғонласа нима қипти? Бас, дарёнинг битта қирғоғига маҳкам ёпишади. Агар ички ишлар бўлимидан келиб суриштиришса нима деб жавоб беришни ўйлай бошлади. «Дода»си ўргатганидек «тегди» демаса-да, тегажоқлик қилди, қаттиқ ҳаяжонга тушиб, ўзимни деразадан ташлаб юборганимни билмай қолибман, дейди...

* * *

Бир ҳафтача шифохонада ётган қиз тан жароҳатидан эмас, виждон азобидан кўпроқ қийналди. Аввало қандайдир манфаати учун шунчалик тубанлашиб кетганига ўзи ҳам ҳайрон... Қилмишига яраша таъзирини еди ҳам. Худонинг ўзи кўрсатди унга. Тавбасига таяниш ўрнига ўша бегуноҳ одамга қарши туҳмат гаплар ёзиб бергани, яна катта гуноҳ қилгани учун энди тангри кечирармикин?

Айни дамларда шўрлик Эргаш Тошматович қаерда экан? Камаб қўйган бўлсалар-а?.. Хотини, бола-чақаси бу гаплардан қандоқ хабар топдийкин? Аллақаердан санқиб келган дайди қизни хўб қарғашаётгандир? Чиндан ҳам у ўз номи билан — дайди. Дайдиларча водийдан санқиб келгани рост... Ҳар қанча қарғишга лойиқ у...

Уйлаган сари юраги баттар сиқила бошлади.

Ўзи нега дайдиларга ўхшаб юрибди? Нега «дода»сининг олдида тили қисиқ бўлиши керак? Ким ўзи у? Ўша машъум тунда Эргаш Тошматович лаққа тушмаганида, уни хонадонидан ҳайдаб чиқарганида «дода»сининг ўзи йиртқич махлуққа айланмасмиди? Саидани тилка-пора қилиб ташламасди, деб ким кафолат беради? Ундан сўнг ҳоли не кечарди?..

Бўлар иш бўлди. Саида энди тавбасига таянди. Тинчгина жуфтакни ростлаб, қолади, вассалом. Водийга эсон-омон етиб олса, бас. Бу шаҳарни энди елкасининг чуқури кўрсин. Бас, у бу ерга ҳеч қачон келмаган, келмайди ҳам. Бульдозерда судрашса ҳам келмайди. Қайтиб гуноҳга ботмайди. Шўрлик Эргаш акага ҳам худонинг раҳми келсин-у, ҳаёти тинчгина давом этаверсин. Саида ғойиб бўлгач, мелисалар унга ҳам жавр қилишмас... Шундай хаёллар билан секин ўрнидан турди. Шифохона бўлим бекасидан кийим-бошларини олди-да, апил-тапил кийинди. Хайрмаъзурни насия қилиб катта йўлга чиқди.

Кўнгли нимадандир таскин топгандек бекат томон одимлади. Ҳамма-ҳаммасидан қутулгандек ҳис этарди ўзини. Бироқ... шу тобда кимдир билагидан тутди. Қараса, ўшанда шифохонага келиб суриштирув ишларини бошлаб кетган милиция ходими...

— Қаёққа шошяпсиз, яхши, қиз? — Истеҳзоли кулиб сўради у.

— Уйимга. — Жўнгина жавоб қилди Саида.

— Эргаш акангизни шу аҳволда ташлаб кетаверасизми?

— Қанақа аҳволда? — талмовсиради қиз.

— Шўрлики бепичоқ сўйиб кетаверасизми? Содда одам ҳалигача дадангиз келишига ишониб юрибди-я. Бошқа «дода»ларингиз бўлса, тегишли жойда сизни кутмоқда...

Саида бир юлқунди, милиция ходимининг қўлидан чиқа солиб урра қочгиси келди. Уриниши зое кетди. Бақувват қўл маҳкам тутганди.

— Ах-ах-ахир қиз боламан-ку... — зорланди у кўзларини аланг-жаланг қилиб.

Жавоб лўнда бўлди:

— Қонун барчага баробар!

— Нажот фақат Ҳақдан эканига иймон келтирган қизнинг оғзидан ҳақиқат гаплар чиқиб кетди:

— Мени Боря деган одам йўлдан урганди. Унинг гапига кириб алдандим, адашдим... Тавба қилдим. Эргаш ака кечирсин...

Жавоб яна қисқа бўлди:

— Ҳаммасини тегишли жойда айтасиз.

Баланд томдан йиқилганида ҳушидан кетмаган қизнинг энди кўз олди жимирлашиб кетди. Устида чироғи айланиб турган машинага милиция ходимининг кўмагида чиқаркан, бу қадар аянчли, ҳолга қандоқ тушиб қолгани ҳақида ўйлаб ўйига етолмасди.

**Тўлқин ЭШБЕК,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

— Чархпалагим, чархпалак...

## Шунақаси ҳам бўлади

### ЎЛИШ УЧУН БАҲОНА

Ҳа, ўламан деган одамга баҳона кўп экан. Пуэрто-Риколик Армандо Касса деган киши кўзига газетадаги ҳар бир таъзия ўлими ҳақдаги хабар бўлиб туюлаверарди. Охири бир куни у шу даражага етдики, газетада ўлгани ҳақида ўқиб қолди. У ёнғин пайтида ҳалок бўлган экан.

Аслида Армандо ёнғиндан қочиб қутулиб, тирик қолганди. Ҳар қанча қувонса, шодланиб яшаса арзирди. Бироқ ўша асаби чатоқлиги панд берди шекилли, хабарни ўқиган заҳоти деразадан ўзини ташлаб жонини жабборга топшириб қўя қолди.

### ОСМОНДАН ПУЛ ЁҒИЛДИ

Осмондан ҳар бало ёққанига ишониш мумкин. Лекин пул ёғилганига... Бунга энди ақл бовар қилмайди. Бироқ далил далилда, ишонмаса ҳам бўлмайди. Бу ҳодиса Лондон кўчаларидан бирида содир бўлди. Кутилмаганда ўткинчилар бошига 20 фунтлик яп-янги банкнотлар ёғилса бўладими? Шошиб қолган йўловчилар пулларни тера кетишди. Биров чўнтакни, биров ҳамённи қаппайтириб ҳар томонга жўнаб қолишди. Юқорида эса пул ёққан бешинчи қаватдан аёл билан эркакнинг бақириқ-чақириқлари эшитиларди.

Ўша куни бадавлат бир жентельмен пулларини қайтариб берилишини сўраб полицияга мурожаат қилди. Унинг айтишича, маҳбубаси билан жанжаллашиб қолиб, «сенга пул бергунча, кўчага улоқтирганим яхши», деб бойлигини деразадан улоқтирган экан. Полиция қизиққон маъшуққа ҳамдардлик билдирди, ваъда берди, лекин пулини қайтариб беришга ожизлик қилди. Йўловчилардан бирортаси осмондан «чалпак ёққанини» тан олмади.

## СПОРТ

### ХАЛҚАРО ТОИФАДАГИ ТЕННИСЧИЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Тошкентда, Миллий Олимпия қўмитасида спорт устозлари учун очилган семинар халқаро тоифадаги теннисчиларни тайёрлашнинг замонавий ва самарали усулларига бағишланди. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан спорт устозлари иштирок этмоқда.

Семинар ташкилотчилари - Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси, Ўзбекистон теннис федерацияси Халқаро теннис федерацияси мутахассислари иштирокида кўп қиррали дастурни ишлаб чиқди, унда машқ жараёнини режалаштириш ва бошқариш, маркетинг, бозор муносабатларига ўтиш шароитида теннисни ривожлантириш ва тарғиб қилишнинг долзарб муаммолари юзасидан туркум лекциялар ўтказиш режалаштирилган.

Спорт устозлари билан амалий машғулотлар «Юнусобод» спорт мажмуининг теннис кортларида ўтказилади.

- Мен Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида Олег Огородов, Вадим Куценко ва Ирода Тулаганова каби жаҳонга танилган теннисчиларни тарбиялаб етиштирган спорт устозлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганимдан хурсандман,- деди Халқаро теннис федерацияси тренерлар комиссиясининг аъзоси Френк Злесак. - Уларни жаҳоннинг машҳур мутахассислари тажрибаси билан таништира олишимдан, мамлакатингиздаги Халқаро теннис федерацияси экспертлари, «Президент кубоги» мусобақаларида қатнашган машҳур спортчилар юқори баҳо берган теннис кортларини кўришимдан хурсандман.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 13 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

*1 АҚШ доллари — 134 сўм 62 тийин.*

## ЮЛДУЗЛАР ТАВСИЯСИ

**(20—26 сентябрь)**

● **ҚЎЙ** — Ушбу кунлар омадини қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилинг. Керак бўлганда тортинмасдан дўстларингиз, ҳомийлар, танишларингиз ёрдамига таянинг.

Ён-верингиздагилар, ҳамкасбларингиз билан тушунмовчиликлар юзага келса-да, ўз ечимини топади.

● **БУЗОҚ** — Ўз ҳиссиётларингизни қанчалик идора қилсангиз, шунчалик олдингизда турган масалалар, сафарлар, учрашувлар ижобий ечимини топиб, фойдали бўлади. Сешанба, чоршанба ва дам олиш кунлари сиздан анчагина чидам талаб қилинади. Жуфти ҳалолингиз, ота-онангиз, фарзандларингиз билан муносабатларингизни бузмасликка интилинг. Соғлиғингиз бироз муаммолар келтириши мумкин.

● **ЭГИЗАКЛАР** — Эҳтимол баъзиларга омад кулиб боқар. Касбингиздаги муваффақиятлар моддий томондан рағбатлантирилади. Душанба, сешанба, жума ва шанба кунлари севикли кишиларингиз ва қариндош-уруғларингиз билан бўлган муносабатларингиз хизматингизга таъсир қилмаслигига ҳаракат қилинг.

● **КИСҚИЧБАҚА** — Душанбадан жумагача деярли яхшигина фаоллик билан ўтади. Ушбу кунлар омадли ва фойдали харидлар, битимлар тузишга қулай келади. Пайшанба куни хизматдаги ҳамкасбларингиз билан баҳслашманг, қандайдир тўсиқлар юзасидан жуфти ҳалолингиз билан дам олиш кунлари жанжаллашманг.

● **АРСЛОН** — Баъзилар учун душанба, сешанба, жума ва шанба кунлари моддий-молиявий масалалар салбий натижа касб этади. Кўплар учун ҳафта учрашувлар, сафарлар, тақдимотларга бой бўлади.

● **ПАРИЗОД** — Низоли вазиятларни ўз фойдангизга ҳал қилишингиз мумкин. Бироқ яхшиси уларни четлаб ўтган маъқул. Моддий муаммоларингиз ҳал бўлади. Баъзиларни кутилмаганда соғлиғи безовта қилиши мумкин.

● **ТАРОЗУ** — Вазиятлар жиҳатидан воқеалар «аччиқ» ва «ширин»лиги билан ажралиб туради. Шамоллашдан эҳтиёт бўлинг. Йиғилиб келаётган масалалар алоҳида муаммо кашф қилмасдан тўғри ечимини топади.

● **ЧАЁН** — Ўзгаларга нисбатан кўзга кўринмас даражадаги таъсирингизни ишлатишингиз учун вақт келди. Ушбу кунларда ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қилишдан уялманг, фақат ўз ҳиссиётингизга ишонинг. Тақдирингизга сезиларли таъсир қиладиган киши билан учрашиш эҳтимоли бор.

● **ЎҚОТАР** — Агарда ўз ишбилармонлик ва бошқа имкониятларингизни тўғри баҳоласангиз, ушбу ҳафтада яхшигина фойда кўрасиз. Баъзилар тасодифий никоҳ ёки узилган оилавий иттифоқни тиклаши мумкин. Ишбилармонлар янги таниш-билишлар орттиради.

● **ТОҒ ЭЧКИСИ** — Ушбу ҳафта сиз учун омадли келиши кутилмоқда. Тижорат бобида янги ҳамкорлар орттирасиз. Узоқ сафарларга чиқиш эҳтимоли ҳам бор. Уй-рўзғор масалалари бироз қийнаши мумкин.

● **ҚОВҒА** — Моддий-молиявий жабҳада ишларингиз бароридан келади. Ушбу кунларда бошқа муаммолардан ўзингизни четга олинг. Узоқдан нохуш янгиликлар олишингиз эҳтимоли ортади. Оилавий муносабатлардаги режаларингиз жиддий тўсиқларга учраши мумкин.

● **БАЛИҚ** — Иш жойингиздаги жўш урган фаолиятингиз пайшанбагача давом этади. Режаларингизни амалга ошишида ҳиссиёт ёки моддий масалалар жуда катта аҳамият касб этиши мумкин. Баъзиларни фойдали сафарлар, илмий учрашувлар қутмоқда.

АДОЛАТ
Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖЎРАБОЕВ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАҲИМОВ, Каримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Равшан ҲАЙДАРОВ, Мурод КАЛОНХОНОВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Котибият — 136-55-64.
Эълонлар бўлими: 136-55-96.

Навбатчи — Саъдиддин САЙДИСЛОМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Г— 0745, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
*Газета IBM компьютерида терилди.*

*• Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди 21.30.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси-32.